

БИР ЎЛКАКИ...

Кунларнинг бирида ўттизта қуш ўзаро келишиб жаннатмакон юрт топишни ис-ташди ва уни қидириб топишга жазм қилишди. Улар бундай жойни топиш йўли-да кўп қийинчиликларни бошларидан кечир-дилар. Охир-оқибат излаганларини топиш-ди.

Маълум бўлишича, етишган мақсадлари бу ўзлари ва ўзлари яшаб юрган юрт экан...

Деҳқон маҳсулотини бозорга олиб чиқиб сот-ди, даромадига рўзгор зарурати учун ул-бул сотиб олди. Энг зарур харидларидан сўнг маълум миқдор пул ортиб қолди. Бу пулни бизнинг деҳқон нима учун ишлатади, албатта, рўзгорининг яна ҳам фаровонлашишига. Болаларининг келажагига, яъни бирор боласи учун ер майдони сотиб олишга, уй қуришга ёки фарзандини ўқитишга, деҳқончи-лигини кенгайтиришга, бирор-бир янги тадбир-корликни йўлга қўйишга сарфлайди. Бу унинг фа-олияти ижобий экани ва бунинг натижасида рўзго-ри йилдан-йилга фаровонлашиб боришини кўрса-тади. Давлат миқёсида ҳам шундай. Ҳар бир давлат чет мамлакатга маҳсулот сотади ва маълум миқдор маҳсулот сотиб олади. Сотиб олган маҳсулотига нисбатан сотган маҳсулоти кўп бўлса, орадаги фарқ экспорт-импорт амалиётларидаги ижобий сальдо дейилади. Бу кўрсаткич бизнинг ёш, эндигина ўз мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаган мам-лакатимизда муттасил равишда ўсиб келди. Нати-жада бу кўрсаткич 2004 йилда 1 млрд. долларни, 2008, 2010 йилларда 4 млрд. доллардан ортиқни ташкил қилди. Бу нима дегани? Бу бизнинг даро-мадимиз йилдан йилга ошиб бормоқда ва бу мам-лакатимиз равақига хизмат қилмоқда дегани.

Мамлакат ривожини белгиловчи асосий кўрсат-кичлар бўйича ҳам бизнинг мамлакатимиз дунёда юқори ўринлардан бирида бормоқда. Бундай кўрсаткичлардан энг асосийси - ялпи ички маҳсу-лотнинг ўсиш даражаси. Дунё мамлакатларининг кўпчилигида ялпи ички маҳсулот ҳажми камайиб бораётган бир пайтда бизнинг юртимизда бу кўрсаткич охириги беш йилда юқори кўрсаткич-ларни сақлаб қолмоқда (2006 йилда 7,3 фоиз, 2007 йилда 9,5 фоиз, 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда 8,5 фоиз). Юқоридаги нати-жалар бизнинг турмуш тарзимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Бунга мисоллар кўп.

Иқтисодий ривожланишнинг сифатидан да-лолат берувчи яна бир муҳим кўрсаткич – сано-ат ишлаб чиқаришининг ўсиши. Бу кўрсаткич биз-нинг мамлакатимизда 2006 йилда 10,8 фоизни, 2007 йилда 12 фоизни, 2008 йилда 12,7 фоизни, 2009 йилда 9 фоизни ташкил қилди ва ҳозирги пайтга келиб, умумий ишлаб чиқариш ҳажмида қишлоқ хўжалиги улуши камайиб, саноат улу-ши салмоқли даражада ўсди. Бунга кундан-кунга ривожланиб бораётган автомобилсозликни, ва-гон таъмир заводиининг вагон қурилиш заводига айланиб улгурганини, довлонлар оша темир йўллар қурилаётганини, газ қазиб олиш ўрнини поли-этилен ва синтетик ёқилғи ишлаб чиқариши эгал-лаганини, пахта толаси ишлаб чиқариш ўрнини газламалар ва тайёр кийим-кечаклар ишлаб чи-қариш эгаллаб бораётганлигини ва бунинг оқибат-ида ҳар йили 1 млн.га яқин иш ўрни яратилаёт-ганлигини мисол келтиришимиз мумкин. Алал оқибат, қишлоқларимиздаги эскича услубдаги пала-партиш қурилган уйлар ўрнини замонавий уйлар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари эгал-ляпти, шаҳарларимизда янги бинолар, янги кўчалар, янги даҳалар, янги хиёбонлар пайдо бўляпти. Аҳолининг турмуш тарзи яхшиланиб, кўчаларимизда кундан-кунга автомобиллар сони кўпайиб борапти, деярли ҳар бир киши уяли телефондан фойдалана олиш имконига эга бўлмоқда, интернетдан фойдаланувчилар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Биз юксалиш йўлидан бормоқдамиз ва бу юк-салиш дунёда юз кўрсатаётган иқтисодий инқи-розга ҳам, ҳар хил табиий ва бошқа офатларга ҳам, об-ҳаво шароитларининг ўзгаришига ҳам қарамасдан давом этмоқда ва яқин келажакда янада яхши муваффақиятларга эришамиз. Ота-оналар фарзандларини тарбиялаётган бўлсалар, устозларимиз шогирдлар тайёрлаётган бўлсалар, зиёлилар ва ишчи-хизматчиларимиз ўз малака-ларини тинимсиз ошираётган бўлсалар, эртанги кунимизни бугунгидан-да фаровон тасаввур қила оламиз. Хуллас, фуқароларимиз ўз вазифалари-ни астойдил бажарсалар, яқин келажакда биз-нинг мамлакатимиз юксак тараққиёт ўлкасига – гулистонга айланади.

Муҳиддин ТИНИБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фавқуллодда
вазиятлар вазирлиги Фуқаро
муҳофазаси институти ўқитувчиси



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт
ишлари вазирлиги

Таҳририят:

бош муҳаррир

Азим СҮЮН

бош муҳаррир ўринбосари

Жалолбек ЙҮЛДОШБЕКОВ

масъул котиб

Комил ЖОНТОВ

фотомуҳбир

Машраб НУРИНБОЕВ

саҳифалаш ва дизайн

Азамат ФАЙЗУЛЛАЕВ

Нигина ҚОДИРОВА

набатчи муҳаррир

Аҳмад ЭРГАШ

Жамоатчилик кенгаши:

Акрамжон АДИЗОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
хузуридаги «Ижод» фонди директори

Сувон НАЖБИДДИНОВ

«Матбуот маркази» АЖ
бош директори

Абдуваҳоб НУРМАТОВ

Андижон вилояти ҳокимлиги
масъул ходими

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Маданият ва спорт
ишлари вазирлигининг биринчи ўринбосари

Азиз ТҶРАЕВ

Тошкент Давлат Маданият
институтининг ректори

Абдусалом УМАРОВ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси директори

Азамат ҲАЙДАРОВ

«Ўзбекнаво» эстрада
бирлашмаси бош директори

Муқовада:

4-бет: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
артист Аҳмаджон Дадаев

Ушбу сонда:

Жаҳонгир МАМАТҚОСИМОВ

Метиклолниң қутлуғ кунлари

Луқмон БҶРИХОН

Қизи борниң қарзи борми?

Рўзимурод ЭСОНОВ

Машҳур музейлар

Фридеш КАРИНТИ

Сирли жат

Фаррух ЭГАМБЕРДИЕВ

Экранлардан улғимиз кўн

Файзулла ТОЛИПОВ

Минг томирли улкан дарахт

Шермурод СУБХОН

Моцарт

Комил ЖОНТОВ

Амазония

Бичими 60x84^{7/8}, Буюртма № 191. Адади: 4357 нуска. Ҳажми 6 б.т.
Босмаҳонага 12.12.2011 йилда топширилди. Босишга 12.12.2011 йилда рухсат этилди.
Таҳририят манзили: Тошкент — 100000, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Тел: 233-25-66
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0517 — рақамли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.
Журнал «МУҲАРРИР» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.
Бўлим манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8 -уй.
e-mail: AzimSUYUNNUR@mail.ru

Шаҳонда китобдан яхши ёр бўлмас,
Дахр ғамхонасида ғамгусор бўлмас.
Ёлғизлик кунжсида ундан ҳар қачон
Минг роҳат бўлар, бир озор бўлмас.

Алишер НАВОИЙ



ИСТИҚЛОЛНИНГ ҚУТЛУҒ КУНЛАРИ

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим.

Ислом КАРИМОВ

Миллий ғояни халқимиз руҳиятига чуқур сингдиришда маънавий қадриятларимизнинг таркибий қисми ҳисобланган байрам ва томошалар, маросимлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, миллий истиқлолни мустақамлашда байрам, сайил ва томошалар замирида мужассамлашган халқона руҳга суяниш даркор.

Инсон яралибдики, унинг турмуш тарзида байрамлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Аслида ҳам турмуш тарзимизни байрамсиз, анъана, маросим, урф-одатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Байрамлар жамиятнинг маънавий гўзаллигини, халқнинг яшаш тарзи, турмуш шароитини дунёга кўз-кўз қилувчи асосий воситадир. Бирор давлатда нишонланаётган миллий байрамлар ёки жаҳон миқёсидаги тadbирларни кузатар эканмиз, ўша давлатнинг миллийлиги, ўзига хос урф-одатларини ўрганамиз. Демакки, байрам ҳаётнинг энг нафис ва нозик хислатларини намойиш этувчи кўзгудир. Байрам жамиятнинг кечаси, бугуни, эртаси ҳақида далолат берувчи жонли манбадир.

Шарқнинг буюк олими Маҳмуд Кошғарий: "Байрамга мутаносиб тарзда - халқнинг шодлик ва хурсандчилик кунидир", деган эди. Бирор-бир муҳим ижтимоий воқеа, санани кўпчилик бўлиб, кўтаринки руҳда, хурсандчилик билан нишонлаш байрам деб тушунилади.

Байрамлар ҳам жамиятга мутаносиб тарзда маълум даражада ўзгариб боради. Йиллар ўтиши билан янги-янги байрамлар пайдо бўлади. Инсон байрам кунлари ўз ҳаётидаги ташвишларни унутиб, янги либослар кийишга, ўйин-кулги билан ғуборини ёзишга ҳаракат қилади.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ халқ байрамларини тиклаш борасида улкан ишлар амалга оширилиб, бунга кенг жамоатчилик эътибори жалб этилди.

Қадимдан маҳалла ўзбек жамиятининг энг кичик маъмурий-ҳудудий бирлиги бўлиб, бугунги кунда миллий давлатчилигимизни шакллантиришда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Ёши улғу, халқ орасида мавқеи баланд кишилардан иборат маҳалла оқсоқоллари тўй-маърака маросимлари, ҳашар ва оила низоларини бартараф этиш ишларига бошчилик қилишган. Айниқса, ёшлар тарбиясида маҳалланинг тутган ўрни беқийсдир. Халқимизнинг "Маҳалланг — ота-онанг", "Бир болага етти маҳалла ота-она" каби кўҳна мақоллари бежизга айтилмаган.

Маҳаллаларда неча минг йиллардан бери, бизнинг нуруний кексаларимизга хос бўлган ажойиб азалий ахлоқий анъаналар мавжуд. Бизнинг миллий қадриятларимизгагина хос бўлган каттага ҳурмат, кичикка иззат, яхши-ёмон кунларида бир-бирига елкадошлик каби фазилатларни кўриб, ўрганиб, онг ва шуурига сингдирган

Натижада "Халқ байрамларини тиклаш муаммолари" бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Бу гуруҳ фаол зиёлилардан таркиб топди. Мазкур гуруҳ ҳар йили 21 мартдан 21 апрелгача бўлган муддатни "Инсонийликни ва табиятни эъозлаш ойлиги" сифатида белгилаб, бу вақтда "Наврўз", "Хотира куни", "Биринчи пушта", "Биринчи экин", "Дон, майса ва сув экини", болалар учун "Бойчечак" байрамларини ўтказишни тавсия қилди. Бу эса хайрли ишларга дебеча бўлди.

Халқ байрамлари кунда "Катта томошалар" кўрсатилиб, масхарабозлар, қизиқчилар, қўғирчоқбозлар, дорбозлар, полвонлар иштирокида азалий халқ томошалари намойиш этила бошлади. Бу пайтда халқ байрамларида аскиябозликлар, мушоиралар, халқ ўйинлари ўтказилиши анъанага айланди. Байрамлар халқимизга хос энг яхши урф-одатлар ва анъаналарни намойиш этадиган муҳим тарбия воситаси эканлиги, шўролар даврида халқ маросимлари, анъаналари ҳам йўқола борганлиги ва бу инсонпарварлик анъаналарини тиклаш зарурлиги ўша даврда оммавий ахборот воситаларида жиддий таъкидлана бошлади.

Бу даврда миллий анъаналарни тиклаш давлат сийосати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон раҳбарияти, энг аввало, халқимизнинг эҳтиёжи, орзу-истакларидан келиб чиқиб, азалий байрамларни тиклашга катта эътибор бера бошлади. Шу билан биргаликда истиқлол сабабли вужудга келган ва истиқлолни шарафлайдиган Ватан ҳимоячилари куни, Хотира ва қадрлаш куни, Мустақиллик куни, Ўқитувчи ва мураббийлар куни, Конституция куни сингари бир қанча янги байрамлар нишонланадиган бўлди.

Шунингдек, Давлат рамзлари қабул қилинган кунлар ҳам муҳим саналар сифатида нишонланиб келинмоқда. Умуминсоний қадриятларни тарғиб қилувчи

ҳолда ўсиб келаётган ёш авлод қалбида элу юртга меҳр-муҳаббат, садоқат, мурувват ва саховатпешалик туйғулари шаклланиб, сайқал топади. Ёшлар ўздан катта инсонларни кўрганда, таниш ёки нотанишлигидан қатъи назар қўлини кўксига қўйиб, эҳтиром билан салом берадилар. Нуруний боболаримиз ва момоларимиз эса, ўз навбатида, уларни энг яхши ниятлар билан дуо қиладилар, алқайдилар, узоқ умр, бахт-саодат тилайдилар. Фидоий, меҳрибон бувижонларимизнинг "чироғим", "айланай", "жоним садақа" деган ширин, самимий сўзлари бола кўнглини юмшатади, раҳм-шафқат руҳида тарбиялайди.

Маҳалла кишилари кўча-қўйда салгина тарбияси бўшроқ, ноўй ҳаракат қилган болани учратиб қолгудек бўлса, унга яхши сўзлар билан насиҳат қилиб, "Сенинг ота-боболаринг ҳурматли инсонлар, аждодларингга му-

"Янги йил", "Хотин-қизлар куни" кабилар истиқлолга эришилгандан кейин ҳам расмий мақомда байрам қилинмоқда.

Президентимизнинг фармонлари асосида халқимизнинг тарихий мероси бўлган Наврӯз билан бир қаторда, диний байрамлар - Рӯза ҳайити ва Курбон ҳайити ҳам расман тикланди.

Ўзбекларнинг азал-азалдан тўйлари кўп бўлган. Тўйлар орзу-умидлар ушалиши айёми сифатида ҳозир ҳам давом этмоқда. XX асрнинг сўнги 10 йиллиги бошида ўзбек тўйлари қаторига яна бир шодиёна - Республикаимизнинг мустақиллик куни байрами қўшилди. 1991 йилдан бошлаб 1 сентябрь - Мустақиллик куни энг улғу, энг азиз байрам сифатида мамлакатимиз миқёсида ҳар йили катта шодиёна билан нишонланмоқда.

Республикаимиз мустақиллик йилларида том маънода байрамлар юртига айланди. Биргина шу даврда нишонланган ва нишонланаётган юбилей тантаналари, фестиваллар, театрлаштирилган томошалар, спорт байрам-мусобақаларининг сон-саногини йўқ.

Ушбу тантаналарнинг халқроқ ва Республика миқёсида кенг нишонланиши ҳукуратимизнинг байрамлар ва уларни ўтказишга катта эътибор бераётганлигидан далолатдир.

Байрам муайян кунда нишонланиб, жамият ҳаётининг таркибий қисми сифатида олдиндан белгиланади. Баъзи байрам саналари дам олиш куни деб эълон қилинади. Мамлакатимизда 9 та байрам дам олиш кунлари деб белгиланган.

Тарбия тизимида байрам ўзига хос муҳим ва йирик тадбир саналади. Халқнинг энг яхши анъаналари, одатлари, ахлоқий қоидаларини ўзида мужассамлаштириши, сақлаши ва ривожлантириши билан ёшлар тарбиясида ҳам байрамнинг аҳамияти катта.

Тарих шуни исботлайдики, байрамлар маъноси, ғояси халқнинг ўйи, дарди, орзу-умидлари асосида пайдо бўлган ва ўзгариб, ривожланиб борган. Байрамларнинг яна бир хусусияти — уларнинг муайян вақт, махсус сана билан боғлиқлигидир. Кишиларда байрам кайфияти аввалдан белгиланган вақт, сана, кун келганида пайдо бўлади. Масалан, қишнинг совуқ кунларидан сўнг об-ҳавонинг иссиши, теварак-атрофнинг кўм-кўк либосга ўраниши, дов-дарахтларнинг гулла-

ши - баҳор келиши барча кишиларга олам-олам қувонч, шодлик олиб келади. Албатта, бу ўзгаришдан ҳар ким ўзича завқланади. Аммо табиат гўзаллиги ва баҳор шодиёнаси ҳамма учун умумий бўлганлиги сабабли одамларда уни биргаликда нишонлаш кайфияти ҳам туғилади. Ана шу эҳтиёжни қондириш учун махсус вақт белгиланади. Бу саналарни белгилашда минг йилликлар тажрибасидан келиб чиқилади. Масалан, кўшнинг ҳамал буржиги кириш вақтида "Наврӯз" байрамини ўтказиш белгиланган.

Байрам инсонларнинг эстетик кечинмаларига таъсир қилиб, шахснинг маънавий дунёсини бойитадиган воситадир. Байрам ва томошаларнинг асосини миллий қадриятларга бўлган ҳурмат, эҳтиром эгаллаб, инсонларга бадиийлик, санъат орқали эстетик завқ бағишлашдек вазифалар устувор туради. Бундай тадбирлар инсонларнинг ижтимоий-психологик талабларига жавоб бериб, одамларнинг оммавий ҳаракатидаги фаолликларини ошириб, байрамонда дам олишдек шароитни яратишга туртки бўлади.

Майдонларда, боғларда, кўчаларда ўтказилаётган оммавий тадбирлар нафақат оммавий хатти-ҳаракатни юзга келтиради, балки уларнинг томошавийлигини ошириб, байрамонда кайфиятни вужудга келтиради. Чунончи, байрамларда инсонлар янги, гўзал кийимлар кийишади, лаззатли таомлар тайёрлашади, ҳамма кўтаринки кайфиятда бўлади. Байрамларнинг афзалликлари ҳақида қанча гапирсак оз, у кенг халқ оммасини ўзига жалб қилиб, маданий, маънавий озуқа бериб, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини кенг намойиш қилади.

Юқоридагилардан маълумки, мустақиллик нафақат бизга эркин ва фаровон ҳаёт, балки, миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми саналмиш миллий байрам ва томошаларимизни қайтариб берди. Шу сабаб жонажон диёримизда ҳар бир кун байрам, ҳар бир кун тўю томошага бой бўлиб, истиқлолнинг қутлуғ кунлари сифатида тарих зарварақларига муҳрланмоқда.

Жаҳонгир МАМАТҚОСИМОВ,
Абдулла Қодирий номидаги
ТДМИ ўқитувчиси

Маҳалла – тарбия ўчоғи

носиб бўл" қабилида насиҳат қилиб, тўғри йўлга соладилар. Табиийки, бундай муомала ҳар қандай болага ижобий таъсир кўрсатиб, уни ҳеч ким, ҳеч қачон тўғри йўлдан тойдира олмайди. Қомил инсон таълим-тарбиясида сув ва ҳаводек зарур бўлган азалий қадриятларимиз, бебаҳо урф-одатларимизнинг унутилиб борилиши миллий маънавиятимиз илдизига болта уриш билан баробардир. Айрим ёшларимизнинг билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолиш сабабларини энг аввал ўзимиздан, ён-атрофимиздан қидириб кўрайлик. Ҳуқуқбузарликка мойил фарзандларимиз келажагига безътиборлик, бебошликларини "ёшлик шўхликлари"га йўйиш, "сен менга тегма, мен сенга" қабилидаги лоқайдлигимизнинг

калтаги бир кун ўзимизга тегиши мумкин.

Юртбошимиз ёшлар тарбиясига оид маърузаларида маҳалла таълим-тарбия ва маънавият ўчоғи эканлигини кўп бора таъкидлайди. Истиқлол шарофати билан юксак маънавий-ахлоқий қадриятларимиз тикланиб, ижтимоий-маданий марказга айланган обод маҳаллаларимиз ёшлар тарбиясида қайта ўз мавқеига эга бўлаётганлиги ҳар биримизни қувонтиради. Шу баробарида маҳалла ўз уйимиз эканлиги, шу азиз диёрда яшаётган инсонларнинг бегонаси бўлмаслигини унутмаслик, фарзандлар тарбияси ва тақдирига бирдек жавобгарлик каби улкан масъулият юклайди.

Гулбаҳор ФАКИРОВА

Авваломбор, Сизни ҳукуратимизнинг юксак мукофоти билан муборакбод этамиз. Ўзбекистон Халқ артисти унвонига эришгандаги кўнглингиздан ўтган илк фикрлар ҳақида айтиб ўтсангиз.

- Бу юртда меҳнат қилган инсон эъзоз топади. Бу баландпарвоз гап эмас. Фарзандларимизга таълим бераётган ўқитувчилар, тинмай изланиб яшаётган муҳандислар, бизни кийинтираётган, едириб-ичираётган боғбон, деҳқонлар заҳмати олдида бизнинг меҳнатларимиз қадрланибди, аввало, бизни шу унвонга раво кўрганларга минг раҳмат. Агар ҳукуратимизнинг турли мукофотларига эга бўлганларнинг рўйхатини ўқисангиз, фермерлар, деҳқонлар, умуман, турли соҳа вакиллари бор. Демак, астойдил меҳнат қилган одам қадр ҳам кўрадиган юрт бу. Очигини айтишим керак, ҳеч қачон даъвогар бўлмаганман. Мен учун ўзим яхши кўрган, бутун меҳримни қўйган касбда ишлашнинг ўзиёқ бахт. Ҳаётим давомида қилган камтарона меҳнатларим эвазига олган мукофотимдан бениҳоя хурсандман.

- **Аслида актёрлик касбига эришингиз қандай кечган?**

- Актриса бўлишни болалигимдан орзу қилардим. Дадам уйга меҳмон келса, "Қани, қизим, капировкаларингизни қилиб беринг", дердилар. Кўшни аёлларнинг худди ўзларига ўхшаб гапириб берардим. Бир куни кўчанинг бошида жулдур кийимларни кийиб ўтириб олдим ва: "Садақа қилинг, садақа балони қайтарар", деб жаврайвердим. Маҳалламиздагилар танимасдан қўлимга танга-чақа ташлаб кетдилар. Мени танишмаганига, ўхшата олганимга хурсанд бўлдим. Ялмоғиз бўлиб, дайди бўлиб кўчамиздаги қизларни кўрқитган пайтларим ҳам бўлган.

- **Болалигингиздаги ёрқин хотираларни ҳам эслаб турасизми?**

- Бирор давлатга борсам, уч кун ўтмай уйга қайтигим келади. Бир гал Германияга, Россиягами борганимизда кўпқаватли уйлари кўриб, ўзимизнинг уйимиз эсимга тушиб қайтгиларим келиб, гастрол тугагунча йиғлаб хун бўлиб кетганман. Бу ҳолатим ёш болани бирор жойга меҳмонга олиб борсангиз, уйга кетдик деб йиғлайдиган хархашасига ўхшайди. Қайсидир чет давлатга борганимизда ариқчанинг четига экиб қўйилган сариқ-сариқ гулчаларни кўрдим. Энгашиб уларни сийпалаб қўлимни ҳидлаб, болалигимнинг ҳидини ҳис қилдим. Ватан соғинчи билан болалик соғинчи қоришиб, кўзларим ёшга тўлди. Буни сўз билан тушунтириш қийин. Болаликнинг ўз ҳиди, тоғи, туйғулари бўлади. Қаердадир шунга ўхшаш ифор туйдингизми, болалик бор бўйи билан хотирангизда қад ростлайди. Болалик ҳовлимизнинг ёнидан анҳор оқиб ўтарди. Шаршаранинг овози шундоқ келиб турарди. Анҳор суви шунақа тиниқ бўлардики, туб-тубидаги балиқчалар, оқиб ўтаётган япроқлар кўриниб, сувни яна ҳам жилолантириб кўрсатарди. Ҳовлимиз кичкина чангалзор эди. Қўй боқардик, жўжа қарардик, кучукчаларимиз бўларди. Бир марта дадамни бой қиламан, деб бозорга бориб ўрик сотиб келганман. Бир гал жўжа боқсак, бойиб кетамиз деб юзта жўжа олиб келиб, ҳовлига қўйиб юборганман. Дадам раҳматлик жони-

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз мамлакатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлдилар. Шулар ичиди актриса Малика Иброҳимова Ўзбекистон Халқ артисти унвони билан мукофотланди. Шу муносабат билан актрисани суҳбатга чорлаб, журналда ёриштиришни режалаштирдик. Таклифимизни Малика опа бажонидил қабул қилдилар...

Очиги, Малика Иброҳимова билан суҳбат қуришга биров ҳадик ва биров иккиланиш билан бордим. Нимагадир бу актрисада европача табиат шаклангандек туюлаверди. Уйнаган ролларини ўрганиб, ҳамкасблари билан суҳбатлар асносида бир-иккита савол ҳам тайёрладим. Барибир, суҳбатлашишга қийналсам керак, деб ўйлادим. Кўнгироқ қилиб, Миллий театрдаги хоналарида суҳбатлашишга келишни олдик. Белгиланган соатда опа билан учрашдим. Таниш чехра, дилгир овоз, нури истара ва сермазмун кўзлар ҳаяжону ҳадикларимни тумандек тарқатиб юборди. Журнал учун қилинган расмий суҳбат тугагач ҳам анчагача олдиларидан кета олмадим. Тўғриси, шунақа юксак савияли суҳбатни соғинган эканман. Чунки қайси саволни берсам, Малика опа мумтоз адиблар асарларидан мисоллар келтирар, бу иқтибослар опанинг тинмай ўқишини, ўқиганларидан ҳаёт учун хулосалар чиқариб юришини кўрсатиб турарди.

ворларга меҳримиз туфайли биз билан жўжа қувишиб, товукларимизга дон олиб бериб юрардилар. Битта товугимиз бўларди. У товук эмас, ўртоғимиз эди. Кўзлари маъноли боқарди. Деразамизни тумшуғи билан чертиб, бизни жалб қиларди. Бир куни бувим раҳматли товугимизни сўйдириб, шўрва қилиб қўйибдилар. Болалик қадрдонимиздан ажралиб қолганимизга роса хуноб бўлганмиз. Болалигимни эсласам, болаликдаги орзум кўз олдимга келади. Осмонга қараб туриб, дарахларни улаб-улаб булутларгача чиқарсам, дердим. Болалигимдаги ҳар бир хотира қадрли. Ҳовлимиздаги ҳар бир ҳашарот, кўнғизчалар, капалақлар, ниначилар дўстларим эди...

- **Саҳнада фақат режиссёрнинг айганини қилиш керакми? Актёр ҳам ролга ижодий ёндошса бўладими?**

- Мен кўп режиссёрлар билан ишладим. Эргаш Масафаев, Наби Абдураҳмон, Баҳодир Йўлдошев, Аброккул Ҳожиқулов... Уларнинг ҳар бири актёрнинг им-

Орзулар

кониятларини оча биладиган, ўрни келса, янги қирраларини кашф қила биладиган мутахассислар. Уларнинг ҳаммасига раҳмат. Барчасидан нимадир олдим, ўргандим. Саҳна билан тиллашдим. Ҳамма режиссёрларнинг яхши кўрган актёри бўлади. Бу ошкор айтилмаслиги мумкин. Буни актёр ўзи сезади.

Мен Эргаш Масафаевни нафақат режиссёр, балки устоз сифатида ҳам қадрлайман. Бу одамда ҳам камчилик бордир. Бироқ мен кўрмаганман. Устоз эдилар, холос. Бизни кинодан, радиодан, телевидениедан яхши маънода қизғонардилар. Актёрнинг шаклланиш жараёни театрда деб ҳисоблардилар. Бу жараён 7-8 йил давом этган. Курсдошларимдан Мурод Ражабов кейинчалик кинога ўтиб кетди.

- Сиз-чи, бошқа соҳаларда ўзингизни синаб кўрмадингизми?

- Нега энди?! Таклифлар бўлди. Киноларда ҳам ўйнадим. Лекин интилмадим. Барибир, театр мени очадиган, ўзимни унутадиган даражада ижод қиладиган маскан. Саҳнада кинога нисбатан имкониятларим кўпроқ.

- Демак, театр Сиз учун...

- Театрнинг ичиди рол ўйнаш қийин эмас. Яшаш қийин. Мана, Сиз ижодкорсиз. Шоир илҳом келганида шеър ёзади. Бастакор ҳам, рассом ҳам эркин ижод қилади. Театр артистининг бошқа ижодкорлардан фарқи ҳам, балки бахти ҳам мутелигида. Биз драматургнинг асари олдида, режиссёр олдида, рассом, композитор олдида, томошабин олдида мутемиз. Барибир, театрга томошабиннинг тийрак нигоҳи масъулиятини ҳис қилган ҳолда ижод қилиш учун келамиз.

- Актёрнинг қиёфаси қандай бўлиши керак?

- Актриса Гулчеҳра Жамиловани биласиз-а. Ҳар қандай шароитда, ҳар қандай кайфиятда актриса қиёфасини йўқотмайди. Унга ҳавасим келади. Бундай актёрлар кўп. Халққа таниқли бўлдингми, халқ сени севадими, энди унинг кўз ўнгидаги одамсан. Халқнинг диди билан ҳисоблашиб, юриш-туришингни шунга мослаштиришинг керак.

- Бугунги кунда яратилаётган драматик асарлардан кўнглингиз тўладими?

- Артист ҳеч қачон кўнглим тўлди, дея олмайди. Кўнгли тўлиб, хотиржам бўлиш, яхши ишлашга халақит беради. Бор, жуда кучли фалсафий, тарихий асарлар қўйилаяпти. "Бир қадам йўл", "Биринчи бўса", "Ҳасрат боғи" сингари спектакллардан кўнглим тўлган.

- Тилакларингиз...

- Жуда кўп нарсаларни тилайман. Она сайёрамиз тинч бўлишини, юртимиз янада обод бўлишини, ҳаммининг фарзандлари омон бўлишини, кўнгилларга бир олам хотиржамлик тилайман. Ана шунда эркин ижод қиламан. Сизларга ҳам, журналхонларга ҳам энг яхши тилакларимни тилайман!



Қизлархон
суҳбатлашди

қанотида



Кўшимиз Шорасул ака тўнғич қизини узатдию, анчайин гангиб қолди. Одатда элу юртга ош бериб, тўю томоша қилганлар кўкрагини тоғдек кериб, қувончдан териларига сиғмай юришади. Йўқ, аксинча, бизнинг кўшнининг юз-кўзларига алланечук жонсараклик инди. Бундай нохуш ўзгариш боисини тез орада билдик: Шорасул ака тўйни ўтказиш учун таниш-билишлардан қарз кўтарган экан. Нафсиламбрини айтганда, бунинг ҳеч ажабланидиган жойи йўқ. Ахир, пойтахтшаҳар шауроитида қиз узатишнинг ўзи бўлмайди-да...

Унга кўра, аввало, келиннинг сепи энг сўнгги урфдаги қимматбаҳо кийим-кечаклар билан бекаму кўст тўлдирилган бўлиши шарт. Устига-устак, қудалар томонидан ёш оилага ажратилган икки-уч хонали уйни кўрпа-тўшаги, дарпардалардан тортиб, мебеллар

билан буткул жиҳозлаш ҳам келиннинг, тўғрироғи, унинг ота-онасининг бўйнида. Тўйтантаналарга сарф бўладиган харажатларни-ку қўяверасиз, ишқилиб, қиз чиқараётган хонадон "гўзал" бир "танловдан" ўтади. Шу сабаб ҳам маҳаллакўйда ярим ҳазил, ярим чин бир матал тўқилган: "Қиз чиқарганга қирқ йил тегма!" Бироқ тегинилади. Қирқ йил нари турсин, қирқ кун ўтмай тегинилади. Ҳали тўй асоратлари битмай туриб, "чарлар" нағмаси бошланади. Бу ҳам унча-мунча тўйдан қолишмайдиган дабдаба-ю асьасаларга бой: чилдирмаю ноғоралар, қуюқ-суоқ зиёфатлар, куёв тўраю унинг қариндошларига қимматбаҳо саруполар...

Энди тоқай "орзу-ҳавас", "фарзандимнинг бахти учун" деган сохтакорлик панасида манманликка, риёкорликка ружу қўйиб юраверамиз? Ахир, тоғоралар сонини юзга етказиб фарзандларга бахт

ҳадя этиб бўлмайди-ку?!

Орадан кўп ўтмай, қиз чиқарган оила ҳали тузукроқ "зе-рикиш"га ҳам улгурмай туриб, муборак ҳайит кунлари етиб келади-ю, "келин салом" деган тантаналар бошланиб кетади. Тагин, югур-югур, тагин сарф-харажатлар. Куёв хонадонига тоғоралар, турли-туман ноз-неъматлар жўнатилади. (Адашмасам, кўшни Шорасул ака мана шу босқичда қарзга кўмилиб қолди-ёв...) Узунқулоқ сўзларга қараганда, бу йил тоғоралар сони юзга етибди! Юз хил тоғора - рекорд!

Албатта, бундай кўрсаткичга кўзини ёғ босган бирикки бойвачча эришган, бироқ унинг жабрини бутун маҳалла-кўй тортади. Қолганлар ҳам, ҳеч қурса, етмиш, саксон тоғора қилиб, ўша "финиш"га яқинлашишлари зарур, йўқса, дув-дув гап... пойтахтликлар ориятли халқ. Улар қарздорликка, ҳар қандай етишмовчиликка чидаш-

лари мумкин, лекин орқаворатдан айтилган ҳар хил мишмишларга тобу тоқатлари йўқ. Шу сабаб ҳам, тоғоралар сони кўнгилдагидек бўлиши учун ўлиб-тирилишади. Ниҳоят, тоғоралар куёв тўраю унинг қариндошларига аталган саруполарга қўшиб қуданикига жўнатилади. Энди бу ёғи қулинг ўргилсин "келин салом". Ҳайит куни янги келин тушган хонадонларнинг эшиги ланг очилиб қўйилади. Келтирилган тоғоралар, яъни турли-туман ноз-неъматлар билан дастурхон тузалиб, узоқ-яқиндан "келин салом"ни кўриш иштиёқида тўп-тўп бўлиб келишадиган таниш-нотаниш меҳмонлар кутиб олинади. Келин товусдек товланиб меҳмонларга таъзим қилади, ўз қўли билан чой қуйиб, ҳар бир жонга узатиб чиқади.

Қанчалар гўзал одат! Аслида "келин салом"га айнан мана шу гўзалликни томоша қилиш учун, келиннинг назокатию одоб-ахлоқидан, маданиятидан завқ-шавқ топиш учун келишади. Аммо... аммо, йиғилган хотин-халаж бу орада тажрибали кўзлари билан дастурхонни кузатиб, келтирилган тоғоралар сонини, келиннинг ота-онаси қандай "поғона"да эканини аниқлашаётган бўлади. Шу ернинг ўзидаёқ пичирпичир, шивир-шивир бошланиб кетади...

ИЛГАРИ, "қизи борнинг нози бор", деган мақол бўларди. Бунинг маъноси шуки, қиз ўстирган хонадон аввал совчиларга, сўнгра қуда бўлаётган хонадонга эркаликлар, инжиқликлар қилади, билиб-билмай уларни унча-мунча ташвишга қўяди. Назаримда, бу мақол айни кунда ҳийла эскиргандай, балки, "қизи бор-

нинг қарзи бор", дея ўзгартирилса тўғри бўлгандай... қизиқ, бир оила ўн етти-йигирма йил пуф-пуфлаб гулдек қиз ўстирса-ю тагин ўтмай қолган товарни ялтироқ қоғозларга ўраб, харидорга узатаётган сотувчидай ўз дилбандини бир дунё уй жиҳозларию тоғораларга қўшиб куёвга топширса, шу ҳам адолатданми?! Қиз ўстирган хонадонга билиб-билмай паст назар билан қараб, уларга зулм қилиб қўйилмаяптими?

Хомчўтларга қараганда, айни кунларда ўртача дабдабадаги бир туйни, сўнги маросимларни ўтказиш учун етти-саккиз миллион сўм харажат қилинар экан! (Бу маблағ билан беш-олти йил бемалол кичикроқ рўзгорни тебратиш мумкин). Қиз узатаётган оддийгина оила учун бу анчагина катта маблағ, бизнингча. Шу ўринда, бизнинг удумлар шунақа, бировнинг куйинишига муҳтож эмасмиз, дея кимлардир эътироз билдириши ҳам мумкин.

Эътироз ҳақли, чиндан-да элу юртга ҳиммат билан ош тортиш, сарполар ёпиш, меҳмондўстлик халқимизнинг соф миллий урф-одатларидан. Бироқ тангилик, камтарлик, фисқу фужурдан қочиш каби фазилатлар ҳам бизга бегона эмас. Нега бундай чин инсоний қадриятларимиз камайиб борапти? Энди тоқай "орзу-ҳавас", "фарзандимнинг бахти учун" деган сохтакорлар пана-сида манманликка, риёкорликка ружу қўйиб юраверамиз? Ахир, тоғоралар сонини юзга етказиб фарзандларга бахт ҳадя этиб бўлмайдими-ку?!

Меҳнат қилиб, тер тўкиб бойибсиз, балли. Бу ҳам мустақиллик, давлатимизнинг

одил сиёсати, неъматиди. Бундай неъматларни қадрлай биллаш ҳам керакда. Биз фарзандларнинг бахту камолини ўйласак, уларга кўпроқ илму урфон берайлик, элу юрт хизматига шайлайлик. Мамлакатимиз Президенти ҳам баркамол авлод, унинг таълим-тарбияси ҳақида доимо куюнчалик билан гапириб келмоқда, шу борада қарор ва фармонлар қабул қилинди.

Бундай хайрли саъй-ҳаракатлар юртимиздаги ҳар бир жон, ҳар бир хонадон диққат-эътиборидан четда эмаслиги кундай равшан. Қолаверса, Ватан истиқболи, ундаги ҳар бир оиланинг бахту иқболи, фаровон турмуши билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, ким ўзарга тоғора ташишмас, ўзаро баҳамжиҳат, бир-бирининг ҳолига боқиб яшашни, меъёр бузилмайдиган тўю маъракалар қилишни ўрганишимиз, йўлга қўйишимиз керак.

Шу ўринда маҳаллаларнинг оқсоқолларига ҳам унча-мунча таклифларимиз бор. Улар ўз маҳаллаларида ўтказилаётган тўю маъракаларни қатъий тартибга олишса, ортиқча дабдабаю ҳашамларга, исрофгарчиликларга йўл қўйишмасе нур устига нур бўларди.

Ҳа, дарвоқе, қўшнимиз Шорасул аканикига куни кеча яна совчилар келиб кетишти. Ахир у кишининг бўйи етиб келаётган тагин уч қизи борда! Адашмасам, муғомбир совчилар ишни зимдан пиштишти-ёв... энди буёғи қандай бўларкин? Ишқилиб, ҳаммаларига чинакам бахт ато этган бўлсин...

Луқмон БҮРИХОН



Доира – уриб чалинадиган чолғу асбоби бўлиб, "дан", "чилдирма", "чирманда" деб ҳам аталади. У аниқ бир баланд товушга эга бўлмаса ҳам, хилма-хил овоз-тебр ва динамик имкониятларга эгадир. Доира "ноғора", "қайроқ", "сафоил", "резноғора", "дўл" каби уриб чалинадиган чолғу асбоблари туркумига мансубдир.

Доира ўзбек халқ мусиқаси тажрибасида ўзига хос жўр усулини яратиб, ансамблнинг барча турларида қатнашиб, ўзбек мусиқаси учун характерли бўлган ритмик-тебрик фонни яратади.

Ўзбек мусиқа санъатининг рақс жанрида доира мустақил суратда чалинади. Шунингдек, доира ҳам замонавий профессионал, ҳам ҳаваскорлик оркестрлари ва халқ чолғу ансамбллари гуруҳидан мустақкам ўрин олган.

Доира ёғоч гардишдан иборат бўлиб, бир томонига таранг тери қопланган, унинг ички томонига металл халқачалар ўрнатилган. Гардиши одатда тут, ёнғоқ, тоқ пояси ёки заранг дарахтидан ишланиб, гардишнинг диаметри тахминан 38 с дан 41 с гача, қалинлиги эса 5-6 с бўлади. "Парда" мембранаси эса от, бузоқ, эчки терисининг тўш қисмидан, баъзи ҳолларда эса балиқ терисидан ҳам тайёрланади.

Мембрана гардишига махсус елим билан ёпиштирилади. Ички томондан эса 50-75 тагача металл

халқачалар ўрнатилади. Доира бир хил тебрли усул билан чегараланувчи бошқа уриб чалинадиган чолғу асбобларидан фарқли ўлароқ, кўп миқдордаги тебр воситаларига эга.

Доира ва унинг тасвири ҳақидаги маълумотлар X асрдан бошлаб, кўпгина манбаларда учрайди. Дастлабки доира шакли жиҳатидан тоғлик халқларнинг доирасига гардишдаги тешикчаларига "ликопча"симон шинғироқлар ўрнатилган "даф"га анча яқин туради. Аммо бу эски чолғу асбоблари замонавий асбобларга нисбатан анча кичик эди.

Ритмика ва унинг бир қисми бўлган ритмик усуллар ҳақидаги таълимот Марказий Осиёнинг атоқли олимлари мусиқа бўйича ёзган кўпгина рисоаларда учрайди.

Шарқдаги кўпгина мамлакатлар - Ҳиндистонда, Эронда, Афғонистонда, Покистонда, Озарбайжонда, Тожикистонда уриб чалинадиган доирасимон асбоблар учрайдики, улар рақсга,

қўшиққа жўр бўлиб чалинади. Бизнинг доираларимизнинг имконият даражаси кенг. Бир ва бир неча доира ёрдамида усул билан муайян мусиқани чалиш ёки жўровоз бўлиш мумкин. Шунинг учун ҳам бизнинг доираларимиз ижроси бутун дунё томошабинларини ҳайратга солади.

Доира мусиқаси илгари нота ёзувига эга бўлмаган, шу сабабли оғзаки равишда авлоддан авлодга ўтиб келган.

Доиравий мусиқани қайдирилиши билан мусиқа санъатининг кўзга кўринган вакиллари дан А.Ф. Эйхгорн, В.М. Беляев, В.А. Успенский, Н.Н. Мироновлар шуғулланганлар, улар ўз қайдларида асосан ритмик томонни акс эттирганлар. Кейинчалик доира усулларининг нота системасини А.И.Петросян такомиллаштириб, 4 чизикдан фойдаланиш услубини киритди. Аваллари бир чизикда ёзилган усуллар ҳозирги кунда 4 чизиклик йўлда қўлланиладиган бўлди. Барча мусиқа мактаби, билим юртларида ва олийгоҳларда шу услубда қўлланилади.

Ўзбек миллий санъатининг халқ қалбига сингиб кетган турларидан бири доира жўрлигида ижро этиладиган рақслардир. Бу соҳада гапирмоқчи эканмиз, биз аввало, унинг асосчилари - Ўзбекистон халқ артисти, 1935 йилда Лондонда бўлиб ўтган халқаро фольклор санъати фестивалининг олтин медали соҳиби Уста Олим Комилов ҳамда Тамара хонимлар номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Доира билан рақс ижро этиш мактабини яратиб, улар 1929-30 йилларда биринчи бор ўзбек халқ усулларини мужассамлаштириб, "Қўш қарс" номи билан ижро этдилар.

Доира усулларини Уста Олим Комилов ўз устози, моҳир доирачи Уста Масаид Марғилонийдан ўрганган бўлиб, кейинчалик ўзи ижро йўлларини мураккаблаштириб, янгича қирраларини очиб, рақс ҳаракатларига мослаштирди. Мана шу усуллар ёрдамида юқорида айтиб ўтилган "Қўш қарс", кейинчалик, "Дои-

ра дарс" деб аталувчи доира рақслари ўзбек рақс мактабининг асоси бўлиб қолди.

Тамара хоним ва Уста Олим олдинга икковлари ижро этган "Қўш қарс" кейинчалик раққосалар гуруҳи томонидан ижро этилди. Булар орасида Тамара хоним, Гавҳар хоним Раҳимова, Мукаррама Турғунбоева, Ҳалима Раҳимова, Зайнаб Ҳамидова, Хайрихоним, Зулайҳо хоним ва бошқалар бор эдилар.

Кейинчалик, "Қўш қарс" яккаҳон ҳамда рақс гуруҳлари ижросида фақат республика эмас, чет эл томошабинлари олдида ҳам намо-йиш этилиб, катта муваффақият қозонган. Уста Олим Комилов ва Тамара хоним шу "Қўш қарс" асосида кейинчалик бир қатор янги-янги доира жўрлигида ижро этиладиган рақслар яратдилар. Масалан, "Садр", "Занг", "Пилла", "Савти уфор", "Катта ўйин" ва бошқалар. Бу асарлар ўзбек миллий рақс санъатининг дурдоналари бўлиб қолди. Кейинги вақтларда доира жўрлигидаги рақс ижросининг ривожланишида, янги-янги рақслар яратилишида ўзбек рақс санъатида ўчмас из қолдирган Мукаррама Турғунбоевнинг меҳнатлари алоҳида ўрин тутди. "Баҳор" ансамблини ташкил қилган ва умрининг охиригача шу ансамблга раҳбарлик қилган Мукаррама опа ёш раққосаларга доира жўрлигида рақс ижро этиш қирраларига алоҳида эътибор берар эдилар. Шунинг учун бўлса керакки, ансамбл репертуарининг 40-50 фоизини доира жўрлигида ижро этиладиган рақслар ташкил этади. Кейинги йилларда доира жўрлигида ижро этиладиган рақслар жуда оммалашиб кетди. Бизнинг доирачи ва раққосаларимиз санъатимизнинг бу турини бутун дунё бўйича катта муваффақият билан намоиш этиб келмоқдалар.

Ўзбекистонда дастлаб ташкил топган барча бадий жамоалар, халқ этнографик ансамблларида доира, ногора муҳим ўрин эгаллаган. Юқорида номлари зикр этилган машҳур устоз Уста Олим



Комилов ва уларнинг шогирдлари, Ўзбекистон халқ артисти Раҳим Исохўжаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Тўйчи Иноғомов, Фафур Азимов, Фафур Солиҳов, Дадахўжа Соттихўжаев, Убай Хўжаев, Авнер Бараев кабилар ўз санъатлари билан халқимизга сидқидилдан хизмат қилиб, ўзбек доирачилиқ санъатини бутун дунёга тараннум этдилар.

Ҳозирги кунда уларнинг шогирдлари Ўзбекистон халқ артистлари Қаҳрамон Дадаев, Талъат Сайфутдинов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Учқун Алимуҳамедов, ака-ука Элмурод, Дилмурод, Холмурод Исломовлар, Тожиали Олимов, Ҳусан

Носиров, шунингдек, етук ёш доирачилар Ҳасан Азимов, Аббос Қосимов, Маъмур Мирдадаев, Мурод ва Маъруф Азимовлар каби юзлаб санъаткорлар республикамизнинг ҳамма туман ва қишлоқларида доирачилиқ санъатини ривожлантириш ва тарғиб этишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Доирачилиқ — санъатнинг ажралмас қисмларидан бири бўлиб, мусиқа ва рақс санъатининг ривожланишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Одил КАМОЛХЎЖАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист





НАСАФ 2:1 АЛ-КУВАЙТ

Ғалаба
муборак!

"Адабиёт яшаса, миллат яшайди", деган эди Чўлпон. Дарҳақиқат, адабиёт миллат маънавиятини белгиловчи муҳим омиллardan бири. Адабиётга чин маънодаги эътибор мустақиллик йилларида ўз аксини топди. Бунга минглаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ гап бу ҳақда эмас. Ўз асл қадрини топган адабиётнинг узвий қисми адабиётшунослик. Адабиётшунослик фани ҳам бошқа илмлар билан бир қаторда ўзининг фидоийларига, заҳматкашларига эга. Бу йўлда кўп устозлар самарали ижод қилдилар. Мағёқуб Қўшжонов, Бегали Қосимов, Озод Шарафидинов сингари бир қатор домлалардан кейин бу довонни Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Иброҳим Ғафуров, Қозоқбой Йўлдошев каби кўплаб адабиётшунослар эгаллашди. Уларнинг кўп йиллик самарали меҳнатлари адабиёт муҳибларига яхши таниш.

Яқинда Умарали Норматовнинг "Нафосат гурунглари" ("Муҳаррир" нашриёти) ва "Қодирий мўъжизаси" ("Ўзбекистон" нашриёти) номли китоблари нашрдан чиқди. Домланинг Абдулла Қодирий ижодий фаолияти ҳақидаги қайдлар, мулоҳазалар, талқиқотлар ва суҳбатларидан иборат "Қодирий мўъжизаси" китоби Қодирий асарларининг ҳали оддий ўқувчилар англаб етмаган томонларидан ҳикоя қилади. Улуғ адиб қайси сўзни қайси ўринда ишлатиши, кимнинг характер-хусусиятини очиб бериши ўткир адабий нигоҳ билан таҳлил этилади. Китобда асосан Абдулла Қодирийнинг шоҳ асари, ўзбекининг илк романи – "Ўткан кунлар" атрофида сўз боради. Бу китоб ўз ўқувчисига Абдулла Қодирий асарларини яна бир бор варақлашга, ўқишга, ўқигандаям энди тийрак нигоҳ билан, ўзига таниш туйғулар қанотида мут-

лаага киришишга ёрдам беради. Энди китобхон яқин ўтмишимиздаги ўзбек характери, инсон зотининг турли қиёфалари, муҳитнинг, вазиятнинг одамни ўзгартиришга таъсири ҳақида кенг мушоҳада қилишга киришади.

Аслида адабиётшунослик ҳам лаборатория таҳлиliga ўхшайди. Сўзни ақл микроскопи билан таҳлил қилади бу фан. Норматов домланинг лабораторияси Абдулла Қодирий асарларига муҳаббатдан бошланиб, ўтган аср адабий жараёнларига бағишланади.

Янги замон сўз санъати бироз мушкул масала. Мумтоз адабиётдан фарқли равишда янги овозлар янги усул, қоришиқ услублар, умуман, турфа кўринишларда намоён бўла бошлади. Ёниқ истеъодлар, уларнинг ёниқ сатрлари ҳақида ёниқ сўз айтиш, уларни синчиклаб ўрганиш учун юксак истеъдод ва маҳорат керак бўлади. Бизнинг адабиётшунослигимизда Умарали Норматов шу маҳорат билан сўз ҳақида сўз айта олади.

Домланинг "Нафосат гурунглари" китобини ўқиб, ҳазрат Навоийнинг "Мажолис-ун нафоис" китобига назирамикан деб ўйлаб қолдим. Китоб билан яхшироқ танишиб, бошқача услубдаги, давримизга хос ва мос "гурунг" яралганини англадим.

Адабиётшуносликка элликка яқин рисоалар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, 500 дан ортиқ мақолалар тақдим этган адабиётшунос-ёзувчининг "Нафосат гурунглари" китоби нафақат адабиётшуносликка, адабиётга, кенг китобхонларга ҳам муносиб тухфа бўлган.

Аслида Миллий университетимизнинг Филология факультети деганда адабиётшунос домлалар кўз ол-



СЮЖЕТ ВА МУСИҚА

XIX аср охири ва XX асрнинг бошлари инсоният ҳаётида туб бурилишларни юзага келтирган турли-туман воқеликлар даври сифатида из қолдирди. Жумладан, телевидение ва кино соҳалари вужудга келди. Таъкидлаш жоизки, телевидение ва кино бугунги кунгача турли санъатларнинг негизида тараққий этиб, сайқалланиб келди. Муסיқа театр, кино санъатларининг ифода воситаси сифатида ҳам ўз йўли ва услубларини шакллантиришга эришди. Айниқса, бу даврга келиб

янги жанр – киномуסיқа жанри пайдо бўлди. Хусусан, бу борадаги илк уринишлар натижаси сифатида Фарбда К.Сен-Санснинг "Гиза герцогининг ўлдирлиши" фильмига, Эрик Сатининг "Антракт", Артур Онегернинг "Гилдирак" фильмларига ёзган илк муסיқаларини қайд этиш мумкин. Бу уринишлар ва асослар муסיқа ижодиётида киномуסיқа номли янги жанрнинг вужудга келишига, кейинчалик кино санъатининг ажралмас қисмига айланишига сабаб бўлди.

Дастлабки ўзбек кинофильмларига муסיқа ёзишда В.Успенский ("Равот қашқирлари") ва А.Козловский ("Тоҳир ва Зухра")лар ижодида намоён бўлди. Улар кинотасвирга муסיқа ёзишда, асосан, ўзбек халқ куйи ва қўшиқлари ҳамда ўзбек бастакорлари ижодидан фойдаландилар. Муסיқа муҳим рол ўйнаган дастлабки ўзбек кинокомедиялари "Мафтунингман" (И.Ақбаров, М.Бурҳонов, М.Левиев), "Маҳаллада дув-дув гап" (М.Левиев) каби фильмлар томошабинлар томонидан жуда илиқ қарши олинди ва ҳанузгача экранларимиздан тушмай келади. Ушбу фильмларнинг бу қадар жозиба касб этишида, шубҳасиз, улар учун яратилган муסיқаларнинг ҳам аҳамияти катта.

Киномуסיқа жанри пайдо бўлишидан аввалроқ бастакорлар ижодида муҳим ўрин эгаллаган симфониялар, сонаталар, операларга том маънода бу жанрнинг илк муסיқий намуналари сифатида қарашимиз мумкин. Зеро, мазкур жанрларда ҳам қаҳрамонларнинг образлари муסיқа орқали ифода

Сўз наққоши



димга келади. Домларимиздан ҳар бирининг китобларини янги асар қувончи билан кутиб оламиз. Адабий мақолаларини ўқиганда домларнинг услуби сўздан сўз ясашларини, янги асарлар ҳақидаги ҳайратларини мароқ билан кузатамиз.

Умарали Норматовнинг "Нафосат гурунглари" китоби ҳам домларнинг ўз устозлари Фулом Каримов, Субутой Долимов, Шоислом Шомухаммедовларга эҳтиром билан бошланиб, Фозила Сулаймонова, Шавкат Раҳматуллаев, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Мирзакалон Исмоилий сингари замондошлари фаолияти, инсон сифатидаги фазилатларига тўхталади. Китобнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, домла ўз тенгдошлари, таниқли адиблар, шоирлар қаторида адабиётга янги кириб келган

ёшларга ҳам ҳолис кузатувчи сифатида адабий мақолалар ёзиб киритган. Шунингдек, адабий очерклар, суҳбатлар ҳам бу китобнинг мазмун-мундарижасини кенгайтирган.

Умарали Норматовдан ҳали бу сингари китоб ва рисоаларни кўплаб кутиб қоламиз. Яна бир янгилик – мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдида домла "Меҳнат шўхрати" ордени билан тақдирландилар. Кўпсонли шогирдлар, адабиёт муҳиблари қатори "Гулистон" журнали таҳририяти ҳам домлари ҳукумати-мизнинг юксак мукофоти билан табриклар, ижодий ва илмий фаолиятига бардавомлик тилайди.

ХОНИМОЙ

этилади ва улар ҳам маълум бир сюжет асосида ёзилади. Масалан, Шубертнинг "Гўзал тегирмончи қиз" асарида ҳам ўзига хос сюжет элементлари мавжуд. Яъни унда ёш йигитнинг тегирмончи қизга ошиқ бўлиши, ички кечинмаларининг тасвирланиши мусиқали асар қўшиқ матнида келтирилади. Шу каби "мусиқали ҳикоя"лар кино мусиқа жанрининг ривожланишида муҳим омил вазифасини бажаради.

Дарҳақиқат, кино санъатида мусиқа сюжет билан уйғунликда фильмдаги ҳис-туйғуларни, эмоционал кайфиятни, ички кечинмаларни янада яққолроқ намоён этиши билан аҳамиятлидир. Ҳар бир актёр образларини ифодаб беришида ҳам мусиқа муҳим вазифани адо этиб, фильм таъсирчанлигини, бадиий ифодавийлигини кучайтиради. Кинога мусиқа яратиш учун режиссёр бастакорга буюртма беради. Шундай экан, бунда, аввало, режиссёр бастакор ижодини яхши билиши, мусиқани чуқур ҳис қилиши жуда зарур. Айни пайтда бастакор ҳам режиссёр голяри ва унинг тасаввурдаги во-

қеликларни мусиқа орқали ифодалаб бериши керак. Ана шундагина фильм сюжетларига уйғун мусиқа яратилади ва филмнинг бадиий савияси ортади.

Бугунги кунга келиб, ўзбек кино мусиқасида туб ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдик. Яъни бунда электрон мусиқанинг ривожланиши туфайли янги ифодавий воситалар кириб келди. Жумладан, буни табиат тасвирлари (шамол увиллаши, сувнинг шилдираши) ва фантастик лавҳаларда кўришимиз мумкин. Бу эса ҳозирги замон кино мусиқаси жанрида эришилган ютуқлардан бири сифатида гавдаланади. Шу билан бирга электрон мусиқа бугунги ўзбек киносида жуда кенг тарзда қўлланилиб, "бастакор ва ижодкорнинг ўрни иккинчи даражага тушиб қолмаптими?" деган савол ҳам туғилмоқда. Юртимиздаги олий таълим муассасалари, жумладан, Ўзбекистон Давлат консерваториясида мазкур соҳанинг профессионал мутахассислари етишиб чиқмоқда. Эндиликда ўсиб келаётган, ёш бастакорлар билан кино режиссёрлари ўзаро ижодий ҳамкорликни кучайтир-

салар, мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлаймиз. Кинематография ва мусиқа санъатларининг таркибий қисмига айланиб улгурган киномусиқада бир қатор янги услуб ва жанрлар ҳам қарор топди. Жумладан, кадрдаги – фильмдаги ҳаётий воқеалар билан узвий боғлиқ бўлган, қаҳрамонлар томонидан ижро этиладиган мусиқий лавҳалар. Улар, асосан, филмда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни батафсилроқ очиб беришга хизмат қилади.

Киномусиқа ўзининг жанр хусусиятлари жиҳатидан, аввало, драматургияга узвий боғлиқлиги, тасвирий ва ифодавий қирраларга эга эканлиги каби қатор сифатлар билан табиий мусиқалардан фарқланади. Бугунги кунда киномусиқа мусиқанинг турли ифода воситалари, янги жанр ва услубларнинг юзага келишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Зебо НАБИЕВА,
Ўзбекистон Давлат
консерваторияси
талабаси

Шундай кино бўлсаки, кўз узмай томоша қилсанг, йиғласанг, кулсанг, изтироб чекиб ҳам қувонсанг...

Киномухлис сўзлари



Ҳар қандай асар ҳаёт ҳақиқатини ўзида акс эттира олсагина, томошабин қалбини ларзага солади, бой таассурот беради ва унинг маънавий оламини бойитади. Ҳозир киносаройларга тушган киши ўзбек киноларининг сон жиҳатидан қанчалик кўпайиб бораётганидан кўзи қувонади. Кино ижодкорларимиз яратаётган экран асарларида бугунги кун нафасини, замондошларимиз қиёфасини кўрсатиб беришмоқда. Аммо шу асарларнинг сифат даражасига келганда...

Юз йиллик тарихга эга, жаҳон киноси билан баб-баробар рақобатлашиб келган "Тоҳир ва Зухра", "Сен етим эмассан", "Алишер Навоий", "Ўткан кунлар", "Абу Райҳон Беруний", "Инсон қушлар ортидан боради", "Шум бола" сингари буюк киноасарлар яратган ижодкорларимиз наҳот бугунги кунга келиб оқсоқланиб қолишган бўлса? Наҳотки?! Фақат биргина нарса қувонтиради. Киносаройларимиз одамларга тўла, кинога бўлган қизиқиш ортса ортаяптики, асло камайгани йўқ. Киносарой киришларини безатиб турган фильмлар рекламалари ундан-да

гўзал, қараб кўз қувонади, чет эл киносимикан деб ёнига яқинроқ борамиз, йўқ, ҳаммаси миллий киноларимиз. Номларини айтмайсизми? "Севгинатор", "Севгинатор 2", "Келгинди кувёв", "Келгинди келин", "Келгинди қайнона", "Али, Вали, Ғани, Насиба қани?", "7 инсон чангалда"... Бундай номларни эшитиб, бир-биридан чиройли баннерларни, кинозалга ошиқарётганларни кўриб, ичкари билан қизиқиб кўрамиз.

Мана, томоша бошланди. Ўзимиз севган актёрлар. Фақат улар негадир адабий тилда эмас, шевада сўзлашишмоқда. Фильмларнинг аксарияти муайян қатламдагилар учун ишланганмикан, деган фикр туғилади. Кино тугагач, "қуруқ қўл" билан ёруғликка чиқаётганларни кўриб, уларнинг ўтган вақтига-ю кетган маблагига ачиндик, холос.

Мақоланинг аввалини ўқиганлар яна ўша эски танқид, одадий лой чаплаш деб ўйлашар? Мақолани бундай кескин сўзлар билан бошлаганимизнинг сабаби бор. Бундай фикрларни мулоҳазаларимизнинг сўнгида билдиришдан кўра, уни бошида гапи-

ришни афзалроқ билдик. Чунки мақоланинг сўнгига аталган бошқа гаплар бор.

Президентимиз ташаббуслари билан "Ўзбеккино" Миллий агентлиги тузилгандан сўнг, юртимизда киносаноатнинг ривожланишига ҳеч ким шубҳа қилмаганди. Унда нега бундай ҳол кузатилаяпти? Нега бугунги киноларимиздан қониқиш ҳосил қилмаяпмиз? Бу саволимизга Ўзбекистон халқ артисти, профессор, ўзбек киносининг улкан ижодкори Шухрат Аббосов Тошкентда ўтказилган "Асрлар садоси" кинофестивали йиғилишларидан бирида гапирган сўзлари жавоб бўла олади. "...Мен бир нарсдан хурсандман, киносаройларимизга мухлислар қайтганидан, кинобозоримиздан чет эл киноларини даярли сиқиб чиқарганимиздан. Қолгани секинлик билан бўлаверади, бунга вақт керак, ҳозирча шунисига шукур." Халқимиз ардоғидаги кинорежиссёримизнинг ушбу гапларида жон бор.

Президентимизнинг 2004 йил 16 мартдаги Кинематография соҳасини бошқаришни та-

комиллаштириш тўғрисидаги Фармонида баён этилган фикрларни ўқисак, ҳаммаси аён бўлади-қолади: "Мамлакатимизда эркин демократик жамият барпо этиш йўлида амалга ошириладиган ўзгариш ва ютуқларни, миллий истиқлол гоёсининг мазмун-моҳиятини кино санъати воситасида бадиий акс эттириш, кинематография соҳасининг халқимиз ҳаётидаги, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, гоёвий-бадиий савиясини ошириш, уни ҳозирги замон талаблари асосида янада такомиллаштириш мақсадида:

1. кино санъатининг миллий маданиятни ривожлантириш, жамият маънавий ҳаётини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, бу соҳани умумбашарий ва миллий кадриятлар уйғунлиги асосида тараққий эттиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

2. кино санъатида, кино-видеофаолият соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

3. кинематография соҳасида фаолият кўрсатаётган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва киностудияларни, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

4. миллий кино санъатининг энг яхши анъаналарини изчил давом эттириш ва бойитиш мақсадида иқтидорли ёш кинематографчиларни тарбиялаш, уларнинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш.


Демак, мақсад аён — кино саноати ривожини таъминлаш зарур. Бунинг учун бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари доирасида барча соҳалардаги каби

бу саноатни ҳам ўз оқимида кўйиб бериш лозим. Фармонда бу очиқ-ойдин келтирилган. Шундай экан, барчаси ижодкорлар қўлида. Кечагина давлат бюджети эвазига фильмларни суратга олаётган ижодкорлар бугун ҳомийлар маблағи эвазига кино олишни ўрганишлари зарур бўлиб қолди. Ўзбекистонда ҳам ривожланган давлатлардаги каби киносаноатни йўлга қўйиш кераклиги сир эмас. Товар ишлаб чиқарувчи ва уни харид қилувчи ўртасида ҳеч қандай тўсиқ бўлиши керак эмас. Сифатни эса бозор, ундаги харидорлар белгилайди. Шундай бўлаётган ҳам. Юртимизда киносаноат энди-энди тетапоё қилаётган. Шундай экан, бу соҳада ҳали илк қадамлар ташланмоқда. Шунинг учун ҳам ундан ҳозирданок улкан асарларни кутишимиз, катта масштабдаги, миллион-миллион долларлар сарф қилинадиган фильмларни талаб қилишимиз ноўрин бўлади. Продюсерлар бугун киносаноатимизни яхшилаб ўрганиш пайидалар. Улар ҳам ёмон кино ишлаб чиқариб, томошабиннинг кўнглини қолдиришни эмас, балки фильмларни ҳам савия, ҳам сифат жиҳатидан самарадор қилиб яратишни истайдилар. Бозор шуни талаб қилади. Табиийки, сифат катта маблағ эвазига барпо бўлади. Эндигина ўз йўлини топишга

уринаётган киносаноат вакиллари, уни ривожлантириш пайида юрган продюсерларга: "Сенинг фильминг яхшимас, сен савияси паст кино олибсан", дейишдан осони йўқ, албатта.

Биз кўз узмай, севиб томоша қиладиган ривожланган давлатларнинг киносаноати аллақачон бу йўللارни босиб ўтган. Уларда фильмлар продюсерларнинг эмас, балки йирик-йирик киноконцертларнинг қўлида. Катта маблағларни ана шу концертлар тўлашади. Бизда бугунчалик бу вазифанинг барчаси продюсер ёки режиссёрнинг чекига тушган. 10-15 йилдан сўнгра ривожланган давлатлар сингари биз ҳам ўзбек миллий киносаноатини экспорт қилиш даражасига эришамиз. Фильмларимиз миллионлар эвазига суратга олинади, уларни миллионлаб мухлислар томоша қилишади. Бунга ҳам кўп қолмади.

**Фаррух Эгамбердиев,
тадқиқодчи**



Ашхур музейлар

ЭРМИТАЖ (Французча hermitage - тўпланиш жойи) Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида жойлашган бўлиб, тарихий, маданий ва бадиий дурдоналарни ўзида жамлаган жаҳоннинг энг йирик музейларидан ҳисобланади.

Эрмитаж экспонатлари дастлаб Россия қиролчаси Екатерина II томонидан хусусий тартибда йиғила бошлаган. 1952 йилга келиб кенг омма ташрифи учун расман очилган. Давлат Эрмитажи Санкт-Петербург шаҳри марказида, Нева дарёси қирғоқлари бўйлаб олти бинони ўз ичига олган ҳолда савлат тўкиб турибди. Санкт-Петербург шаҳри ва Эрмитаж асосини Қишки сарой ташкил этади. Музейда икки ярим аср давомида жаҳон дурдоналаридан иборат бўлган энг нодир коллекциялар тўпланган. Тош давридан бошлаб ҳозирги кунга қадар бўлган даврни ўз ичига олувчи жаҳон миқёсидаги қарийб уч миллионга яқин санъат асарлари Эрмитаждан жой олган. Ҳозирги кунда ушбу сарой ва музей Россия ва жаҳон туризми эътиборидаги бебаҳо маскан ҳисобланади.

Эрмитажга илк бор Екатерина II 1764 йили Берлин орқали ишончли вакиллари ёрдамида ўзининг шахсий коллекцияси учун савдогар И.Гоцковский тўпланидан Голландия расмлари ижодида тегишли 220 та санъат асарларини сотиб олади. Шу тариқа сарой апартаментлари бирлашмаси, яъни французча атамаси "Эрмитаж"да жаҳон ижодкорлари асарлари йиғила бошлайди. 1769 йилга келиб жуда бой коллекцияга эга бўлган Саксония министри Граф Брюдан Тициан, Блотто каби буюк истеъодлар лойиҳаларига мансуб бўлган 600 га яқин санъат асарлари сотиб олинади. 1772 йил-

да парижлик Барон Крозага тегишли рангасвир коллекциясидан харид қилинган дурдона асарлар Эрмитаж фаолиятида жуда катта рол ўйнаган. Ушбу коллекцияда XVII-XVIII асрларга тегишли Италия, Франция, Голландия расмлари: Рафаэл, Жоржони, Тициан, Рембрандт, Рубенс, Ван Дейк, Пуссен, Клод ва Лоррен мўқаламига мансуб портрет ва манзара жанридаги асарлар тўплами жойлашган бўлиб, бу асарлар Эрмитаж кўркига кўрк қўшиб туради. XIX асрларга келиб Александр I, Николай I ҳукмронлиги даврида коллекциялар кўз қорачиғидай асралиб, музей янги расмлар ижоди билан янада бойитилган.

ЛУВР (Французча Musee du Louvre) Франция пойтахти Париж шаҳрининг марказида, Сена дарёсининг ўнг қирғоғида эски қироллик саройи биносида жойлашган жаҳондаги энг йирик музейлардан бири.

Лувр капетинлар авлодидан ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олган энг қадимги, турли коллекцияларга бой музей ҳисобланади. Луврни универсал музей дейиш мумкин. Лувр Фарбий Европадан Эронгача, Грециядан бошлаб Миср ва Яқин Шарққача йирик географик ва вақт кенглигини ўз ичига олган музей ҳисобланади.

Лувр ташриф буюрувчилар сони кўплиги билан дунёда донг таратган музей ҳисобланади. Музей эшиклари кенг омма учун илк мартаба 1793 йили 8 ноябрда очилганди. Ўшанда маълум муддат мобайнида Наполеон музейи деб аталган. Лувр коллекцияларида турли тараққиёт давлари мада-



Дрезден



Лувр



нияги ва санъати тўпланган бўлиб, қарийб 300 минг атрофида экспонатлар йиғилган. Шундан 35 мингтасигина музей деворларига осилган. Қолганлари эса сақлаш шартларига кўра кўпи билан 3 ой мобайнида кўргазмага қўйилади.

ДРЕЗДЕНДАГИ ЭСКИ УСТАЛАР ГАЛЕРЕЯСИ (Немисча Gemaldegalerie Alte Meister) дунёдаги энг йирик рангасвир тўпламига эга бўлган галереялардан бири ҳисобланади. Галерея Давлат резиденцияси биносидан 1560 йили нафис санъатлар хонасидан ўз фаолиятини бошлаган. Саксониялик княз Август II бу санъат дурдоналарининг қийматини қадрлаб, 1722 йили расмий рўйхатдан ўтказиб, уларни қироллик отхонасининг қайта қурилган биносига кўчиради. Дрезден коллекцияси Август III бошқарув даври - 1733 йилларга келибгина умумжаҳон эътиборига туша бошлади. У ҳам отаси каби жаҳон рангасвир усталарининг асарларини сотиб олади. 1741 йили Валленштейн тўпلامидан 268 дона асарлар полотносини сотиб олади. Бироз вақт ўтиб, қироллик галереясида кўп сонли картиналар харид қилинади. 1745 йили Дрездендаги Герцог Франческо резиденциясида энг яхши картиналар Карреджо, Веласкес, Тициан ҳамда Рафаэл Санти мўйқаламига тегишли машҳур "Сикстан Мадоннаси"нинг сотиб олиниши галереяни янада бойитади. 1931 йили музей биносидан "Эски усталар" галереясида ажралган, алоҳида "Янги усталар" галереяси ҳам ташкил қилинади. Музейнинг XVI юз йиллик даврлари бўлимини Италия уйғониш даври санъатининг тенгсиз асарларидан бири "Сикстан Мадоннаси" очиб беради. Шунингдек, ушбу бўлимни Жоржонининг "Ухлаётган Венера" асари бойитиб туради. Галереянинг XVIII асрлар рангасвирига оид Каналетто (Жованни Канале) асарлари Дрезден галереясида алоҳида қадрланади. Келиб чиқиши венециялик бу рассом Дрезден галереясининг дастлабки ҳолатини фотогра-

фик аниқликда чизиб, келажак авлодга қолдиради. Рангасвир даҳоси Паул Рубенс асарлари орасидан 19 та картина ҳам галерея дурдоналари қаторидан ўрин олган. Галереянинг голланд рассомлари бўлимини Рембрандт Хорменс асарлари юксакликка кўтариб бойитиб туради.

ТРЕТЬЯКОВ галереяси халқ орасида ихчамгина қилиб, "Третьяковка" деб аталади. Ушбу музейга Москва шаҳрида 1856 йили савдогар Павел Третьяков асос солган. Павел Третьяков ўз тўпلامларини 1850 йиллар ўрталарида йиға бошлайди. Кейинчалик, 1867 йили Москвада Павел ва Сергей Третьяковларга қарашли Москва шаҳри галереяси очилади. Дастлаб галерея бисотида 1276 дона картина, 471 дона графика ва 10 дона ҳайкалтарошлик ишлари ҳамда 84 хориж рассомларига тегишли картиналар ўрин олган эди. 1892 йилга келиб, Павел Михайлович ўз бадиий галереясини Москва шаҳрига совға сифатида тақдим қилади. Бу пайтда галерея бисоти сони анчагина кўпайган бўлиб, рангасвирда 1287, 518 дона графикадан рус мактаби вакиллари асарлари, Европа мактабига оид 75 дона картина ва 8 дона чизмалар, 15 дона ҳайкалтарошлик ва кўплаб иконаларга эга эди. Бугунги кунда Третьяков галереясида XX аср санъатига оид асарлар ҳам ўрин олган.

Дунё музейлари ҳамда галереялари қизиқши ва гўзалликка интилиш самараси ўлароқ вужудга келган. Уларнинг асрлар оша аслиятини йўқотмай сақланишига кейинги авлодларнинг фидоийлиги сабаб. Фидоийлар бор экан, санъат ўз сайқалини йўқотмайди.

Рўзимурод ЭСОНОВ
тайёрлади

ҚОРЁДИ ЖУМАЕВ

СИТОРАИ МОҲИ ХОССА



Маълумки, бугунги кунда миллий маданиятимиз, кадриятларимиз борасида қатор тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Ана шундай илмий-бадий ишлардан бири сифатида санъатшунос олим Қорёғди Жумаевнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Фан" нашриёти (2005) ҳамда тўлдирилган иккинчи наشري "Бухоро" нашриёти (2010) томонидан чоп этилган "Ситораи Моҳи Хосса" рисоласини тилга олиб ўтиш жоиз.

Мазкур рисолада муаллиф Бухоро амири Саййид Олимхон ҳукмронлиги (1911-1920) даврида барпо этилган "Ситораи Моҳи Хосса" ёзги саройи ҳақида кенг ва атрофлича маълумот беради.

Дарҳақиқат, бугун ҳам ўзининг фавкуллода кўрки, беқиёс ҳусну жамоли билан кўплаб маҳаллий ва хорижий сайёҳларни лол қолдириб келаётган ушбу

саройига етиб келган кўшин сарой дарвозаси пештоқидаги гўзал меъморий гулдасталарни ўққа тутиб, илма-тешик қилишади. Сўнгра сарой ичига кириб, мавжуд осори атиқа ва хазина бойликларини талон-торож қилишади.

Рисолада Бухоро амирлиги хазинасидан 102 тонна кумуш, 10 тонна олтин, кўплаб тилла ва кумуш тангалар, 700 та қимматбаҳо ки-йим-бош, юзлаб бриллиант ва қимматбаҳо тошлардан иборат бойликлар вагонларга юкланиб, гўёки "вақтинча дахлсиз сақлаш учун" дастлаб Самарқандга, сўнгра Тошкентга, ундан кейин эса Москвага олиб кетилганлиги қайд этилади. Тадқиқотчи ушбу аччиқ ҳақиқатни "Шундай қилиб, Бухорога кўп асрлар ҳукмронлик қилган Аштархонийлар ва Манғитлар сулоалари тўплаган барча бойликлар ҳеч кимга вафо қилмай, саргайган ҳужжатларда изи қолди, холос" дея куйинчаклик билан тилга олади.

Ўшанда, собиқ шўро ҳукуматининг Туркистон fronti кўмондонни Михаил Фрунзе ҳам ушбу талончилик "улуши"дан бенасиб қолмайди. Саройда сақланган энг ноёб олтин қиличлар ва ханжарлардан бир нечасини ўзи билан олиб кетади.

Ачинарлиси шундаки, 1927 йилда Ситораи Моҳи Хосса саройида вилоят ўлкашунослик музейи филиали очилганига қарамай, шўролар ҳукуматининг саводсизларча олиб борган сиёсати туфайли қароргоҳга тегишли гўзал боғнинг асосий қисми ва саройнинг бир қисм бинолари



Жаннат монанд боғ

жаннатмакон Ситораи Моҳи Хосса қароргоҳининг узоқ йиллик ўтмиши уни барпо эттирган амир Саййид Олимхон тақдири каби осон кечмаган, албатта.

Маълумки, шўро ҳукумати ва Бухоро амирлиги "икки давлат ўртасида дўстлик ва ошначилик" сулҳи тузилганига қарамай, 1920 йилнинг сентябрида собиқ шўро кўшинлари Бухорога қузғундай ёпирилиб киради. Ситораи Моҳи Хосса ёзги

Ҳақиқатнинг кучи шундаки, ҳатто ундан уни қидирувчининг ўзи ҳам чўчийди.

Кўлида тилласи ярқираганларга эмас, балки толеи ярқироқларга ҳавас қил.

Кўлингдан келгунича ота-онангга яхшилик қилиб қол, эрта-индин ёки имкониятим бўлганида қиламан, десанг, ҳеч қачон қилолмайсан, чунки имкониятнинг ва вақтнинг чеки, ўлчови йўқ. Эҳтимол, вақтнинг ёки имкониятнинг бўлганида ота-онанг бўлмаслиги мумкин.

Болам деб бир умр яшайди она,
Онам деб бир кунгина йиғлайди бола.

Ўзингга яхши бўлишини истасанг, отангга ях-

шилик қил. Чунки эрта кексайганингда ота эмас, "бола" бўласан.

Ишонганларга доимо ишониниш ва ёхуд ишонмаганларга доимо ишонмаслик ҳам хато иш.

Унинг танасига эмас, миясига бутун кийим керак.

Улар асли бир уйдан, муносабатини кўрсанг уч уйдан.

Тоға сўзининг ўзаги тоғ. Шунинг учун тоғангга бемалол суянсанг бўлади.

Шайтон айтди: одамдан кўрқмайман, аммо одам шаклидаги одамдан кўрқаман. Чунки, у бизга хос амалларни нафақат билади, балки қилади.

1954 йилда шўро ҳукумати касабани уюшмалари томонидан ташкил этилган дам олиш уйи – оромгоҳ тасарруфига берилди. Пировардида, оромгоҳ маъмуриятининг ўзбошимчалик билан олиб борган қайта қуриш ишлари натижасида боғ пайҳон этилиб, саройнинг ҳарам, канизакхона, "Хонаи Ҳашт" кўшиги каби қатор бинолар узоқ йиллар давомида ошхона, ётоқхона, ҳаммом, кир ювиладиган ҳамда тиббий муолажа бўлими сифатида фойдаланилади. Бу ҳам етмаганидек, осори атиқа ҳисобланган баъзи нодир ёдгорликлар, айвон бинолари йиқитиб ташланади. Муаллиф бундай ўзбошимчалик ва бошбошдоқликларга фақатгина Мустақиллик туфайлигина чек қўйилганини, сарой боғи ва оромгоҳ ихтиёрида бўлган бир қисм бинолар музей маъмуриятига қайтариб берилганини мамнуният билан таъкидлаб ўтади.

Рисолада бугунги кунда музей залларида сақланаётган осори атиқалар ҳақида ҳам маълумот бериб ўтилади. Венеция шаҳри ойнасозлари ясаган, яъни Италия қироли элчиси томонидан Бухоро амирига тақдим этилган улкан кўзгу ана шундай нодир буюмлардан биридир. Атрофи ҳошиялар билан қопланган ушбу кўш табақали кўзгуда инсон ўзининг қирққа яқин аксини кўриб ҳайратланмай илож йўқ.

Айни даҳлизхона тўридаги деворда Бухоро амири Саййид Абдулаҳадхонга Эрон шаҳаншоҳи совға қилган ажойиб гилам ҳам киши эътиборини беихтиёр ўзига жалб этади. Унда буюк форс шоири Абдулқосим Фирдавсийнинг машҳур "Шоҳнома" асари сюжети асосида яратилган миниатюра тасвирланган.

Ҳеч шубҳа йўқки, саройнинг кўркига кўрк қўшиб турган бино "Оқ уй"дир. Уй товонгача деворларга ўрнатилган ойналар устига ганчдан солинган кошинлар билан қопланган бўлиб, бир бутун ҳолда нафислиги билан кишини ҳайратга солади.

Бинобарин, нодир ашёлардан яна бири Оқ уйда тўшалган улкан қолиндир. Туркман гиламдўзлари томонидан махсус тўқилган ушбу "Қизил оёқ" қолиннинг узунлиги 14 метрни, кенлиги 7 метрни, вази эса 350 килограмми ташкил этади.

Рисолада музей залларида намойиш этилаётган зардўзи буюмлар, уларнинг турлари, нақш хусусиятлари, Бухоро заргарлари томонидан қўлланган санъат усуллари, бадиий каштачилик ва кулолчилик каби ҳунармандчиликка оид қимматли маълумотлар мавжуд.

Китобнинг сўнгги бўлимида Ситораи Моҳи Хосса саройининг қурилишида бевосита иштирок этган Уста Абдуғаффор мирохур, Уста



Остонқул Ҳафизов, Уста Ширин Муродов каби кўплаб усталар ҳамда саройни таъмирлаш ишида меҳнати сингган ва бугунги кунда ҳам фаолият юритаётган қатор усталар ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтилади.

Хулоса қилиб айтганда, рисола гарчи меъморчилик тарихи ва халқ амалий санъати билан қизиққан китобхонлар оммасига мўлжалланган эса-да, унда келтирилган тарихий, жуғрофий, илмий-бадиий муҳим маълумотлар ўзлигини шу муқаддас юртнинг тақдири, ўтмиши билан вобаста билган ҳар қандай кишини бефарқ қолдирмайди.

Шермурод СУБҲОН

Ҳ а ё т с а б о қ л а р и

Олдиндан чиққан ғовга орқангда қолган ғавфо сабаб.

Нодон одам ёмонлик қилишни ўзидан бошлайди.

Таниш-билишларинг кўп бўлгани яхши, бироқ танишларинг кўпайгани сари, билишларинг камайиб кетаверар экан.

Яхшидан холис эшитасан, ёмондан эса нолиш.

Кўзинг қийинчиликдан кўрқса, бошинг қийинчиликка кирганини билмай қоласан.

Болани бало кўрма, балони бола.

Бир одам бир йигитдан қаерданлигини сўраб билгач, ҳамюрт эканмиз деди қувониб. Бироқ, кимлардансиз, деб берган саволига жавоб ололмагач, ҳамюрт эмас эканмиз ука, - деди маюс тортиб.

Бу қандай синоатки, ҳайбатли қасрлар ичида одам йўқ. Шундай кулбалар борки ичлари одамга лиқ.

Шўхрат РЎЗИЕВ

Республикамизнинг сиёсий-иқтисодий ва маданий ҳаётида кишиларнинг фаоллиги кундан кунга ривожланиб, тўхтовсиз ўсиб бораётгани ҳозирги даврнинг ўзига хос белгисидир. Нотиқлик мураккаб санъат бўлиб, уни эгаллаш кишидан қунт ва чидам, малака ва тажриба талаб этади. "Қобуснома"да нотиқлик санъати сирларига доир тўғри мулоҳазалар билдирилганки, у ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кайковус ҳамма ҳунарлар ичида нотиқлик аъло деб билади: "Билгилким, ҳамма ҳунардан сўз ҳунари яхши. Шу туфайли киши суҳандон ва нотиқ бўлиши лозим", деб таъкидлайди. Муаллиф фикрича, нотиқликни эгаллашнинг биринчи йўли тинимсиз меҳнатдир. Иккинчиси, гўзал лафзидир.

Сўзнинг икки томони бор: бири, гўзал томони, иккинчиси, хунук томонидир. Тингловчи олдида гапирадиган сўз гўзал бўлсин, бу сўзни халқ қабул қилсин. Бирор фикрни ифодалашда тингловчи қалбига тўғри йўл топа билиш, шаклга эътибор бериш масаласи илгари сурилади. Яъни бир сўзни бир ибора билан айтса, эшитган кишининг кўнгли паршон бўлади, шу сўзни бошқа ибора билан айтса, эшитган кишининг кўнгли баҳра олади.

Ҳар бир сўз тўғри ва асосли бўлмоғи лозимлиги уқтирилади. Мавҳум гап кишини зериктиради. Маъ-

лум асосга эга бўлган гап таъсирчан бўлади. Яъни нутқ қаратилган нарса-ҳодисани яхши ўрганиб чиқиш лозим. Тайёргарликсиз нутқ бўш чиқади. Шунингдек, сўзлашувда камтарлик ҳам муҳим. Ҳар қанча доно бўлган одам ҳам суҳбатдош олдида унинг дунёқараши ва савиясига қараб гапириши мақсадга мувофиқ. Амалдорлар олдида сипороқ, оддий одамлар олдида оддий, ўзига яқин кишилар билан самимий суҳбатлашиш асл нотиққа хос хусусият.

Нутқда қисқалик, аниқлик бўлиши керак. Кўп билган одам оз сўзлайди. Бу асрлар давомида ўз ишотини топган ҳақиқат. Шундай сўзламоқ керакки, сўз бекор ва зое кетмасин. Сўзлашни билган одам тинглашни ҳам билиши керак. Тинглаш маданияти одобнинг бир кўриниши. Нотиқ бўлиш учун кўп эшитиш мақсадга мувофиқ. Нутқни эгаллашдан мақсад халқ дилига йўл топа билишдир. "Кўнгишларга севимли бўлишни истасанг, халойиқнинг мақсадини сўзла", деб таъкидлайди Кайковус.

"Қобуснома"даги нотиқлик санъатининг фазилатлари ва йўллари ҳақидаги фикрлар ҳозирги кунда ҳам муҳимдир. Нотиқлик санъатининг ўзига хос илмий қоидалари, педагогик, психологик асослари мавжуд. "Яхши сўзлашга ўрган ва мулоим сўзлашдан бошқа нарсани одат қилма, негаки, қандай сўзни гапиришни истасанг, тил шуни гапиреди.

Америкалик рассом ва ихтирочи Самюэл Финли Бриз Морзе 1791 йили 27 апрелда Массачусетс штатида дунёга келади. Уни дунёга танитган ихтироларидан бири — электромагнитли ёзув телеграфи ва Морзе алифбоси. Инсоният учун бебаҳо имкониятлар яратиб берган ушбу рассом-ихтирочининг ҳаёти, фаолияти ҳам силлиқ кечмаган ва айни пайтда қизиқ.

Морзе Америкада бой оилада дунёга келади. Отаси художўй эди. Шунингдек, уни географ сифатида яхши танишарди. Филлипс академиясининг талабаси чоғларида Морзе ўзининг мавҳум, режаларини тез-тез ўзгартирувчи характери билан ажралиб турарди.

Морзе электрлаштириш ҳақидаги лекцияларни қизиқиб тинглашни эътиборга олмайдиган бўлсак, бошқа фанларга совуққонлик билан қарарди. Ота-онасининг қаршиликларига қарамасдан, Морзе расм чизишга қизиқарди. Ўзига яқин инсонларнинг кичик ҳажмдаги портретларини чизарди. Рангтасвирга шунчалик қизиқиб кетганлиги са-

МОРЗЕ АЛИФБОСИ

бабли ота-онаси кўп қаршиликлар билан уни Англияга санъат сирларини ўрганишга юборишади. 1813 йилда Морзенинг "Жон бераётган Геркулес" картинасини Лондон қироллиги рассомлар академиясига тақдим қилиши унга олтин медал олиб келади. 1815 йили Морзе ватанига қайтгач, америкаликлар уни англиялик рассом деб ҳисоблашишини ва рангтасвирлар уларни унчалик қизиқтирмаслигини сеза бошлайди. Сўнгра ўн йил мобайнида жаҳонгашта рассом сифатида ҳаёт кечиради. Морзенинг хушмуомалалиги, ёқимтойлиги, атрофдагилар билан тез тил топишиб кетиши унга илоҳ берган истеъдод эди. Морзени зиёлилар, бой ва сиёсатчилар ўз уйларида мамнуният билан қабул қилишади. Унинг дўстлари орасида сиёсатчи М.Ж.Лафайет, ёзувчи Ж.Ф.Купер ва ҳатто АҚШ Президенти Абраам Линкольн ҳам бор ва улар яқин муносабатда эди. Европага иккинчи маротаба ташри-

фида Морзе Л.Дагер билан танишади ва ундан электр йўналишидаги янги ютуқлар ва кашфиётлар ҳақида қизиқиб сўрайди. Айниқса, телеграф кашф қилиниши ҳақидаги янгиликларни эшитган Морзе ўзида кўтаринки бир руҳият сезади.

Морзе деярли ҳамма вақтини рангтасвирга, Нью-Йорк университетида дарс беришга сарфлар эди. Вақт ўтиши билан 1835 йилга келиб, чизмачилик санъати профессори даражасига етди.

1836 йилга келиб, В.Вебер томонидан ўйлаб топилган телеграф модели ҳақидаги ёзмани кўрсатишади ва шу тариқа Морзе бутун борлигини ихтирога бағишлайди. Албатта, телеграф ихтироси кўп йиллик изланиш ва меҳнат талаб этарди. Ниҳоят, 1837 йили ўзининг оламшумул ихтиросини амалга ошириб "Нуқта" ва "Тире" услубида сўзларни узатиш йўлини ўйлаб топади. Ва бу кашфиёт бутун дунёга маълум ва машҳур Морзе коди

Нотиклик санъати

Сўзни ўз жойида сўзла, жойида айтилмаган сўз, агар у яхши сўз бўлса ҳам ёмон кўринади". Шунингдек, Кайковус сўзнинг маъноларига эътибор бериш кераклигини таъкидлайди: "Эй фарзанд, агар гапирган вақтингда сўзнинг қандай маънога эга эканини билмасанг, қушга ўхшайсан, бундай қушни тўти дейдилар!"

Авлоний айтадики: "Тилларнинг энг яхшиси сўзга уста тил, сўзларнинг энг яхшиси билиб, охирини ўйлаб сўйланган сўзidir".

Ҳозирги ахборот даври нотикдан ўқимишлиликни, маънавийлиги, маърифатли, айниқса, омма олдига сўзга чиқишда ўз нутқига нисбатан ўта масъулиятли бўлишни талаб этмоқда. Инсоният одобининг ва одамийлик асосининг улғу қасри устунларидан бири сўзлаш ва нутқнинг қимматбахо гавҳарини мулозимлик ва одоб пармаси билан тешмоқдир. Ахлоқ аркининг юқорисида ўтирувчининг айтишича, инсоннинг камолоти ва билимнинг баланд мартабаларидан бири чиройли гапириш ва чиройли сўзлаш бўлиб, бу бонинг гули ақл баҳористонининг насими билан очи-

лади ва саодатнинг ёрқин жавоҳир дастурхонини ақл савдогаригина ёза олади. Ёқимли ва қимматбахо сўзлари донолик ва иқбол арбобининг тожи бўлган юнон ҳақимларининг айтишларича, тил ҳар бир ақл соҳиб фазилати хазиначисининг калитидир ва ҳар кимсанинг билими миқдори унинг сўзлари орқали маълум бўлади.


Одам учун диққатга сазовор нарса шуки, у ҳикмат ўргансин, донолик илмини билсин ва уни юрагига нақш қилсин. Ҳикмат ва фазилатга етишга қариллик тўсқинлик қилолмайди. Ҳикматни кимки дилига жойлаган бўлса, на ботир, на қаҳрамон, на подшо, ҳеч ким уни тортиб ололмайди. Киши ўз ниятини сўз билан мувофиқ қилсин, токи тили бошқа-ю, дили бошқа бўлмасин.

*Сайёра ШОДМОНОВА,
Қарши Давлат университети
ўқитувчиси*

бўлиб қолади. Дастлаб унга ўз ватанидан ҳам, Англиядан ҳам, Франциядан ҳам, Россиядан ҳам ихтиросини қўллаб-қувватловчи ҳеч бир ёрдам бўлмайди. Бунга қарамасдан, ўз ихтиросини исботлашда давом этади. Навбатдаги АҚШ Конгрессида ўз ихтиросига қизиқтиришдаги уринишлари зое кетмади. Ниҳоят, конгрессменлардан бири ҳамкорлик қилишга рози бўлади ва уни қўллаб-қувватлайди. Шунинг билан 1843 йили телеграф қурилиши учун 30 минг доллар миқдорида ёрдам олишга муваффақ бўлади. Биринчи телеграф йўналиши Вашингтондан Балтиморгача деярли 40 км. оралиги масофасида синаб қўрилади. Биринчи уринишда алоқа белгилари манзилга етиб бориши қийин кечади. Вазиятдан чиқиб кетиш учун ҳамкасаба Альфред Вейл ўз таклифи билан кучайтиргич сифатида реледан фойдаланишни таклиф этади. Ниҳоят, 1844 йил 24 майда алоқа чизиги тикланади. Шу дақи-


қадан бошлаб Морзе муаллифлик ҳуқуқи учун курашини бошлайди. 1854 йили Олий суд томонидан Морзеге авторлик ҳуқуқи берилади. Шундай қилиб газета, темирйўл ва банктлар Морзе телеграфидан кенг фойдалана бошлашади. Бир зумда Морзе яратган алоқа воситаси бутун дунёга тарқалади. Бу эса унинг обрўи яна ошишига сабаб бўлади. 1858 йили ўнлаб Европа давлатларидан Морзе ўз ихтироси учун 400 минг франк олади. Бу маблағга Нью-Йорк яқинидан кўчмас мулк харид қилиб, қолган ҳаётини ўз оиласи, ўғиллари ва набиралари даврасида ўтказди. Морзе вафотидан кейин унинг ихтироси шарафи аста-секин сўна бошлайди. Бунга сабаб телефон, радио ва телевидениелар ихтиро қилиниши эди.

Лекин рассом сифатида шуҳрати сақланиб қолди. Морзе ўзини портретчи рассом ҳисобламаган бўлса-да, у тасвирлаган Лафаэт ва бошқа таниқли инсонлар портрет-




ларини кўпчилик билишади. Унинг 1837 йилда яратган телеграф ускунаси АҚШ Миллий музейида сақланмоқда. Шаҳар четидаги уйи эса тарихий эсдалик сифатида қабул қилинган.

*Комил ЖОНТОНОВ
тайёрлади*



AL MUSIC FESTIVAL
ARONALARI
USIQA FESTIVALI





ИЖОД ШАВҚИ

Тарихий қадриятлар истиқлол туфайли ўз жозибасини қайта тиклаб, халқона оҳанглар халқнинг юрак-юрагидан жой олиб улгурди. Асл санъат асрларнинг, тузумларнинг кутқусидан омон чиқиб, яна ўз ўзини топди. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан қадим анъаналарни, қадриятларни ёшлар орасида тарғиб қилиш, улар онгига синдириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Орадан ўтган ҳурлик йиллари асл миллий қадриятлар қайта тикланганини исботлади. Бу йўлда устоз санъаткорларнинг хизматлари катта. Уларнинг фидокорона меҳнатлари боис, ёшлар миллий, анъанавий ва умуминсоний қадриятлар, санъат жозибасидан баҳраманд бўлишмоқда, кези келганда ўрганиб, янги-янги сайқал, жило билан ижод қилишмоқда.

Шундай устозлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Дадаевдир. Устоз туғилиб вояга етган Паркент тоғларига туташ Навдак қишлоғи ўз гўзаллиги, шарқироқ сойлари, баланд-баланд дарахтлари билан ҳар қандай одамни ижодга ошно қила олади. Оталари Шокарим ака ҳам, оналари Ризқия ая ҳам санъат шайдолари, кези келганда ижодкорлари эдилар. Ёш Аҳмаджоннинг мусиқий қобилиятини эрта англаган ота-онаси уни 10 ёшида болалар мусиқа мактабига ўқишга берганлар. Мусиқа мактабида, кейинчалик мусиқа билим юртида гижжакдан устозлари Григорий Пинхасов, Мурод

Тошмуҳаммедовлардан сабоқ олди.

Миллий мусиқа созларига муҳаббат Аҳмаджон Дадаевда Консерваторияга кирганида яна ҳам орти. Устозлари Муҳаммадхон Муҳаммедов, Фахриддин Содиқов, Исҳоқ Ражабовларнинг дарсларида созандалик, бастакорлик қобилиятини ривожлантирди. Буюк санъаткорлар ижодидан баҳрамандлик унинг кейинги ижод йўлига ҳам катта таъсир қилди. Унинг ўзи ҳам етук бастакор, созанда бўлиб фаолият бошлади.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги "Мақомчилар ансамбли"даги фаолияти давомида кўплаб янги куйлар яратди. Бир неча кўшиқларга куйлар басталади. Ансамбл билан, ижодкорлар билан юртимиздаги, чет эллардаги бир қанча анжуманларда иштирок

этди. Ўзбек санъатини, бетакор чол-ғуларини, куй ва кўшиқларини дунёнинг улкан саҳналарида намойиш этди.

Устоз 1999 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига эга бўлди. Бугунги кунда Аҳмаджон Дадаевнинг юздан зиёд мусиқа ёзувлари Олтин фондда сақланади. Ҳар куни радио, телевидениеда устоз басталаган кўшиқлар такрор-такрор ижро этилади. "Онам", "Умидим қолди", "Кўз тутарман", "Меҳрибонимга", "Баҳор", "Сени кутгайман", "Гулзорим гўзал", "Вафо қилармисан, баҳорим", "Рубобим тори иккидур", "Дуторим", "Жондан ширин", "Меҳнат билан" сингари куй ва кўшиқлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, моҳир созанда ва хонанда, бастакор Аҳмаджон Дадаев кўплаб шогирдлар етиштирган устоз ҳамдир. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида, Ўзбекистон Давлат консерваториясида ёшларга ўз билим ва тажрибаларидан келиб чиқиб, устозлик қилмоқдалар. Ўз ўрнида устознинг шогирдлари ҳам кўрик-танловларда, анъанавий байрамларда иштирок этишмоқда. Устознинг самарали фаолиятига бардавомлик тилаймиз.

**Гўзал МЎМИНОВА,
Абдулла Қодирий номидаги
ТДМИ ўқитувчиси**

Буюк олим, тиббиёт фанининг асосчиларидан бўлган бобокалонимиз Абу Али ибн Сино "Тиб қонунлари" китобида мусиқанинг руҳий таъсир кучига баҳо бериб, гўдакнинг тарбиясидаги аҳамиятини оддийгина таърифлайди: "Гўдак вужуди чиниқиши учун икки нарса зарур: бири уни аста қимирлатиб тебратиш, иккинчиси — онанинг алласи. Биринчиси боланинг танасига, иккинчиси руҳига тегишлидир". Мусиқанинг инсон ҳаётидаги ўрни борасида кўп ёзилган ва у, шубҳасиз, даволовчи, аниқроғи, жисм ва руҳни муолажа қилиш усулларидан бўлиши билан бирга, маънавий тарбиянинг бағоят муҳим йўналишларидан бири ҳамдир.

Тарихий манбалардан маълумки, бобокалонимиз Амир Темур қайси ўлкани забт этса, ундаги буюк олимлар, катта усталар, улғу шоирлар қаторида улкан санъаткорларни ҳам ўз давлатининг пойтахти Самарқандга олиб келар эди. Соҳибқирон шу йўл билан ўз пойтахтини дунёнинг энг буюк шаҳрига айлантиришга ҳаракат қилган эди. "Зубдат-ул адвор", "Мақосид-ул алхон" деб номланган мусиқий китоблар ёзган Мароғали Абдулқодир, "Шарқиййа" номли мусиқий китоб ёзган урумийлик Сайфиддин Абдумўминга ўхшаган улғу мусиқий устозлар Самарқандга олиб келинганлардан эдилар.

Амир Темурнинг набираси бобо-



МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ

миз Мирзо Улугбек салтанатидан сўнг, "гўзал санъатлар" маркази Самарқанддан Ҳиротга кўчирилади. Хусайн Бойқаро ҳамда Алишер Навоий ҳимояси остида чигатой адабиёти, "чигатой муסיқийсининг олтин даври" Ҳиротда қурилади бошлайди. Ҳиротда Алишер Навоий энг буюк муסיқий устодларни, энг истеъдодли муסיқий талабаларни ўз тарбиясига олади. Улардан ҳожа Юсуф Бурҳон, Уста Шодий, унинг шогирди усмонли муסיқашуносларидан Зайнобиддин, Устод Абдулқосим, андижонлик Мавлоно Юсуф Бадиъий, Хусайн Бойқаронинг муסיқа муаллими, танбурда бир тор ортирган Маҳмуд Шайбоний, Ҳабибуллоий чангий, Муҳаррабий чангий, Алишунқор меҳтар, Шамсуддин ноғорачи, Аҳмад ноғорачи, Алийжон гижжакий, Қулмуҳаммад Шайх ноий, Хусайн Удийлар у замоннинг улуг муסיқий устодлари ва моҳир ижрочиларидан эдилар.

Ҳазрат Навоий уларнинг амалий ижролари билан бир қаторда назарий билимларини оширишларига ҳам алоҳида эътибор берган. Уларнинг маълумотларини ошириш учун муסיқий рисолалар ҳам ёздир-

ган. Демак, муסיқа илм сифатида жуда қадим замонлардан буюн аждодларимиз томонидан чуқур ўрганилган ва бизгача ажойиб китоблар, рисолалар, асарлар каби кўринишда етиб келган.

Ҳозирги кунда Республикамизда 300 дан ортиқ болалар муסיқа ва санъат мактаблари, 20 дан зиёд муסיқа, маданият ва санъат коллеж ва лицейлари, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Ўзбекистон Давлат санъат институти, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти, Ўзбекистон санъатшунослик илмий-тадқиқот институтларида ҳам бу жараён давом этиб келмоқда.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб, давлатимиз раҳбари таълим-тарбиянинг энг таъсирли воситаларидан бири бўлмиш муסיқа санъатига жиддий эътибор бермоқда. Муסיқий таълим-тарбия тизими тубдан ислоҳ қилинди. Ислохотларга "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асос бўлди. Жумладан, муסיқа, маданият ва санъат коллежларининг ташкил этилиши, мазкур таълим муассасалари учун замонавий талаблар асосида бино-

лар қурилиши, Тошкент Давлат консерваториясига Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Тошкент Давлат санъат институтига Ўзбекистон Давлат санъат институти мақоми берилиши ва улар учун жаҳон андозалари асосида янгидан махсус бинолар барпо этилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланиши, қолаверса, Президентимизнинг "Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"га Қарори ва унинг ижроси босқичма-босқич таъминланаётгани ёрқин далил бўла олади.

Бундан ташқари Мустақиллик, Наврўз ва бошқа байрамлар муносабати билан миллий руҳдаги куй-қўшиқлар яратишда жамоаларнинг ижодий-бадиий савияси ошиб бермоқда. Бу Ватан, халқ, истиқлол, она-юрт, одамийлик, меҳр-оқибат, дўстлик, муҳаббат мавзуларидаги ўнлаб тарбиявий аҳамиятга эга гўзал куй-қўшиқларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бундай куй-қўшиқларнинг ижодкорларини ва ижрочиларини тарбиялаш, биз, мутахассисларнинг асосий вазифамиздир. Зеро, келажак авлод, комил инсонларни тарбиялашда муסיқа энг таъсирли кучга эга бўлган муҳим омилдир.

Мирмуҳсин ҒАҒУРОВ,
Абдулла Қодирий номидаги
ТДМИ ўқитувчиси



YOMONLIKKA YAXSHILIKKA

YOMONLIK, YAXSHILIK

Nevaralarim!

Surxondaryoning ochiq dasht-qirlarida, cho'lu sahrolarida o'tov tikishadi. U hatto qish kunlari ham yig'ishtirib olinmaydi, faqat kigiz, olachalari bir chekkaga taxlab qo'yiladi.



Qay bir yili... qish ayozlari tugab, ko'klam kelib, cho'ponlar odatlaricha o'tovlarga ko'chib chiqishdi. Bir cho'pon o'z o'toviga yo'l-yo'lakay bir kadi sut ham ko'tarib keldi. Uni bir yonga qo'yib, o'tovning ichiga kirdi. Qarasa, bir kigiz o'rami cheti-ichida ilon bolalari bir-biriga chirmashib yotibdi. Ota-ona ilon yaqin atroflarda ko'rinmasdi. Cho'ponning bir shumligi tutdi. Ilon bolalarini bir chetroqqa yashirib, o'zi o'g'rincha qarab turdi. Qayerdandir ona ilon paydo bo'ldi, qaradi, bolalari yo'q, u yoqqa-bu yoqqa bilanglab sudraldi, topmadi...

Sut to'la kadiga ko'zi tushdi. Unga cho'zilib, zaharini to'kdi - zaharladi. Zum o'tmay yana qaygadir yo'qoldi. Bundan foydalangan cho'pon ilon bolalarini tag'in o'z joyiga qo'ydi. Birdan ikkita paydo bo'ldi. Cho'pon taxminicha, ona ilon ota ilonni boshlab keldi. Bolalarini ko'rdi. Va birdan... Ona ilon kadi tarafga qarab sudraldi, unga tezda yaqinlashib, uning ichidagi zaharlangan sutni to'kib yubormoqchi bo'ldi, lekin uddasidan chiqolmadi.

E, voh!.. U birdan o'zini o'ngga-chapga tashlab-ag'nab qumga bulana ketdi... So'ng kadiga cho'zilib tushib, sutni ifloslantirdi. Tokim bu sutni hech kim ichmasin degandek... Keyin ko'ngli joyiga tushgandek, ota ilon bilan bolalarini qayergadir boshlab ketdi.

Nevaralarim!

Yomonlikka yomonlik, yaxshilikka yaxshilik, deb shuni aytadilar!



Халқ ижодиётининг қадимий жанрларидан бири бўлган лапар санъати ўз тарихига эга. Ҳазил-мутойибага йўғрилган, халқнинг орзу-умидлари акс этган лапар қўшиқлари санъаткорлар томонидан байрамлар, халқ сайиллари ва тўю тантаналарида ижро этиб келинган.

Машҳур санъаткорлар Лутфихоним Саримсоқова, Тамарахоним, Лизахоним Петросова, Гавҳар Раҳимова, Ойхон Ёқубова, Гулшод Отабоева, Тўхтаҳон Назарова, Олияхон Ҳасанова, Инобат Жониева ва Шоҳиста Парпиевалар лапар жанрининг моҳир ижрочилари бўлиб, ўзбекнинг бу санъатини жаҳон миқёсига олиб чиқиб, тарғиб этган санъаткорлар сирасига кирдилар.

Бугунги кунда лапар ва ўлан ижрочилигига катта эътибор берилиб, республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази томонидан кўплаб кўрик-танловлар ҳамда оммавий байрам тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Халқимиз, авваламбор, унибўсиб келаётган ёш авлод қалбида олийжаноб туйгуларни камол топтириш, ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни эл-юртимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида 2011 йил 5-

6 июль кунлари Наманган шаҳридаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида "Ўлан айтғали келдик" мавзусида лапар ва ўлан ижрочиларининг анъанавий республика фольклор санъати байрами ўтказилди.

Ушбу фольклор байрамида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан лапар ва ўлан ижрочилари ўз дастурлари билан иштирок этдилар. Мазкур тадбирда Самарқанд вилояти Иштихон туман Марказий маданият уйи қошидаги "Роҳат" халқ ашула ва рақс ансамбли

Коким қимматбаҳо

рақс ўргатувчиси лапарчи хонанда Нурхон Усмонова ўзининг мустақиллик ва истиқлолни тараннум этувчи "Айланай, элим" номли лапарчи билан қатнашиб, мутахассислар ва томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлиб, махсус диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Нурхон ўрта мактабни битириб, 1988 йилдан Пастдарғом туманидаги маданият уйида, кейинчалик Иштихон туман марказий маданият уйи қошидаги "Роҳат" ашула ва рақс халқ ансамблида балетмейстер, хонанда ва лапарчи бўлиб ижодий фаолият кўрсатди. У вилоят ва Республика миқёсида ўтказилган кўплаб кўрик-тан-

ловлар ва фестивалларда совриндор бўлган. Нурхон Усмонова репертуаридан Маҳмуд Тойир шеъри билан "Айланай, элим", машҳур рақоса ва лапарчи Тамарахоним ижро этган "Санамо", "Ўйнасин", "Нима-нима дейсиз", "Ҳалинчак" каби ўзбек халқ қўшиқлари кенг ўрин олган. Лапар жанри ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган иқтидорли санъаткор Нурхон Усмонованинг ижодий фаолиятига юксак парвозлар тилаймиз!

Муҳаммаджон ҚОЗОҚБОЕВ



Фридеш Каринти
венгер ёзувчиси

Сирли хат

Ушбу сирли тарихни асли келиб чиқиши ирланд бўлган англиялик бир танишим гапириб берган. Венгер тилини билмагани учун уни иложи борича ишонarli тарзда баён қилиб беришимни илтимос қилган эди. Маъноси учун жавобгарликни ўзимдан соқит қилган ҳолда унинг ҳикоясини сиз ўқувчиларга етказишга ҳаракат қиламан.

Кўп йиллардан буён Сорбонда маърузалар эшитиш орусидан юрган англиялик бу танишимни Париждаги таниқли банклардан бирида директор лавозимида ишлаб юрган отаси бир неча ойга қақриб олган эди.

Бизнинг қаҳрамонимиз отасини ортиқча уринтирмаслик учун унинг танишига тегишли бўлган таниқли меҳмонхоналардан бирига жойлашган.

Бир кун кечкурун ёлғизликдан зерикиб, катта Операга спектаклга тушган. Спектакл ёқмагани учун дурбиндан томошабинларни кузата бошлаган. Ложалардан бирида ниҳоятда гўзал бир ёш хонимча ўтирганини кўриб қолган ва уни кузата бошлаган. Хонимча ҳам бунга жавобан сирли кулимсираб қўйган. Бу ҳолатни кўрган йигит, табиийки, бутун эътиборини унга қаратган. Эҳтиросли қарашлар ёш хонимнинг бир варақ қоғозга ниманидир ёзиб гижимлаб, ўзини саҳнага қараётган қилиб кўрсатиб, гўё билмай секин туртиб пастга тушириб юбориши билан хотима топган.

Қаҳрамонимизга шунинг ўзи етарли бўлган. У шу заҳоти ўрнидан туриб креслолар орасидан ўтиб бориб қоғозни олган ва кутилмаган саргузаштдан сархуш бўлиб, қимматбаҳо ўлжаси билан фойега чиққан.

Бироқ қоғозни ўқиб кўриб таъби тирриқ бўлган. Хат француз тилида бўлгани билан қандайдир Париж жарғонида ёзилган экан.

Бизнинг қаҳрамонимиз хатдаги сўзларни ўқиган-у, бироқ француз бўлмагани учун ҳарчанд уринмасин уларни бири-бирига боғлаб гап туза олмаган, маъносининг тагига ета олмаган.

Охир-оқибат, шуюм муаммоми, бирор кишидан таржима қилиб беришларини илтимос қиламан деб спектаклга ҳам қайт-масдан карета ёллаб меҳмонхонага шошилган.

Меҳмонхонага кириши билан меҳмонхона эгасига дуч келиб қолган. Меҳмонхона эгаси уни жуда илиқ кутиб олган, узундан-узоқ ҳол-аҳвол сўраган. Менинг танишим унга бўлган воқеани гапириб берган. Меҳмонхона хўжайини уни хайрихоҳлик билан эшитган. Гап хатгача етиб борганида у ҳақиқий паришлик эканини намён қилиб бу ёш йигитга чин дилдан ёрдам бермоқчи бўлган.

Қаҳрамонимиз унга гижимланган қоғозни узатган. Меҳмонхона эгаси қоғозни олиб ўқиб чиққан. Кейин уни тахлаб сўхбатдошига узатган ва мулоим, бироқ совуқ оҳангда шундай деган:

- Жаноб, марҳамат қилиб нарсаларингизни йиғштириб менинг меҳмонхонамни тарк этсангиз.

Дўстим эса, албатта, ҳеч нарсани тушуна олмай, ранги ўчиб, донг қотиб қолган.

- Бу нима деганингиз? - деб сўраган.

- Афсусдаман, тушунтириб беришдан ўзимни тийишга мажбурман - деб жавоб берган меҳмонхона эгаси ва ўтиб кетаётган хизматчига қайрилиб шундай деган:

- Бу жаноб бир соатдан кейин кетмоқчи. Нарсаларини йиғштиришга кўмаклашиб юборинг.

Қаҳрамонимизга дунё қоронғу кўриниб кетган. Ўзига келиб улгурғунича уни чемоданлари билан бирга кўчага олиб чиқиб қўйишган.

Нима қилиш керак: кулиш керакми ёки аламдан йиғлаш? Ҳарқалай, кўчада ётгунча бирор жой топган маъкул. Шундай ўй билан у энг яқин меҳмонхонага йўл олган.

Меҳмонхона эгасини қақриб олиб, унга саргузаштларини гапириб берган. У кулоқларига ишонмаган. Ақлга сигмайди, деган у. Мен бу меҳмонхона эгасини танийман ва уни ўта маданиятли одам деб биларман. Қани ўша хатни кўрсатинг-чи?

Қаҳрамонимиз хатни унга берган. У хатни ўқиб чиқиб тавозе билан шундай деган:

- Афсусдаман, жаноб, бироқ ҳозир менда бўш жой йўқ. Бошқа ҳеч нарса дея олмайман.

У шарт бурилиб кетиб қолган.

Қадрдон дўстимнинг аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Унинг кўзи тиниб, боши айланиб кетган. Бахтига яқин атрофда турадиган бир ўртоғи эсига тушиб қолган ва унинг уйи томон шошилган. Нарсаларини каретада қолдириб, уникага кўтарилган.

Ўртоғи эндигина кечки овқатга ўтирган экан. Қаҳрамонимиз нафаси тиқилиб, энсаси қотиб бор воқеани унга гапириб берган. Ўртоғи кўнгли очиқ йигит бўлгани боис бу воқеаларни эшитиб, хоҳолаб кулган.

- Сени аҳмоқ қилишибди, азиз дўстим, бу қандайдир бир оламшумул ҳазил бўлса керак. Тинчлан, буларнинг ҳаммаси арзимаган нарсалар. Биз ҳали бу қаллобларга кўрсатиб қўямиз. Менга ишон. Қани, хатни бер-чи.

Қаҳрамонимиз унга хатни беради. Ўртоғи оғзини сочиқ билан артиб, хатни ўқийди. Кўзларини соққасидан чиқиб кетгудек қилиб катта очади ва қоғозни



Суратни Жаҳонгир ХОЛИҚОВ чизди

қайтаради. Кулгиси зўрма-зўраки илжайишга айланади.

- Биласанми?... Дўстим... Мен тумшуғини кўтариб олган мунофиқ одамлар хилидан эмасман... Лекин шунга қарамай, сендан бир нарсани дўстона тарзда илтимос қиламан... Бундан буён агар тасо-дифан мени кўчада учратиб қолсанг, бир-биримиз билан таниш эканлигимизни унут.

У қўлига газета олиб ёлғиз қолишни хоҳлайман деган маънода тескари бурилиб олган.

Бечора йигит йиғлаб юборишига бир баҳя қолган. У чарчаган ва умидсизликка тушган бир ҳолатда кўним ҳам топа олмай, кўчада қолган.

Шу алфозда у отасиникига келган. Қария унинг гапларини эшитиб, энсаси қотиб, жаҳли чиқиб бақиршига тушган. Шу заҳоти полицияга қўнғироқ қилиб меҳмонхона эгасини жазолашларини талаб қилмоқчи бўлган. Ўғлига нисбатан шундай муносабатда бўлганларнинг барчаси қилмишлари учун жавоб беришлари лозим деган.

- Хатни бер, - деган у - ашёвий далил сифатида керак бўлиб қолиши мумкин...

Қаҳрамонимиз хатни берган. Отаси ўқиган. Кейин уни тахлаб ўғлига қайтарган. Кўзлари ёшга тўлган.

- Ўғлим - деб йиғлаган у - биласанми онангни қандай яхши кўрар эдим... Сени ҳам шундай яхши кўраман. Бироқ бундан кейин менинг уйимга қадам босма!

Мен эса алам билан ўқувчиларимга бу ҳақда бошқа ҳеч нарса билмаслигимни айтиб қоламан. Ушбу воқеани сўзлаб берган танишимни тўсатдан телефонга чақириб қолишди. У, кечирасиз, мен бир дақиқадан сўнг қайтаман деди. Бироқ қайтмади ва уни бошқа зўрмадим. Сўраб-суриштирсам, у Ирландияга кетгани ва фақат урушдан сўнггина қайтиши мумкинлиги маълум бўлди. Шунинг учун ташқи ишлар вазиридан агар у зоти олийлари ушбу сатрларни ўқисалар ва бу сирли хат билан қизиқсалар, уруш тезроқ тугашига бор кучини сарфлашини ўтиниби сўраган бўлар эдим.

Манзура Шамс таржимаси

СЭЦУВА

Адабиётдаги ҳар қандай жанрларнинг тарихи алоҳида бир асар тарихи билан боғлиқдир.
Н.И.Конрад

Сэцува ўрта асрлар япон адабиётида алоҳида мавқега эга жанр бўлган ва нафақат бадиий ва ғоявийлик мантиғи билан, балки ундаги йирик асарларнинг япон адабиётининг насрий йўналишига ҳам ўтказган таъсири билан белгиланади.

Сэцува атамаси панднома маъносини англатади. Сэцува насрининг биринчи асарлари панд-насихатга оид ҳикоялардан иборат бўлган ва унда хитой адабиёти анъаналари сезилиб турган. Аста-секин дидактик йўналиш ўрнини замонавий бадиий усул эгаллай бошлаган ва XII-XIII асрларга келиб, Сэцува насрида очиқ дидактика етакчилик қилмаган.

Сэцува - японияда IX асрда шаклланган адабий жанр бўлиб, у диний афсоналарга асосланган алоҳида тўпламлардан иборат. Буларнинг энг машҳурлари "Нихон рёйки" - япон мўъжизалари ҳақида қайдлар (822 й.), "Кондзяку моногатари" - кўҳна қиссалар тўплами (1120 й.) ва "Удзи-сюи моногатари" - Удзида йиғилган қиссалар (1220 й.) ҳисобланади.

Сэцува насрига оид юздан ортиқ асарлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири адабиётшунослик учун ҳам, тарих учун ҳам, маданиятшунослик учун ҳам, этнография учун ҳам катта аҳамиятга эга. Сэцува насрининг аниқ чегараси масаласи ҳозирга қадар баҳсли мавзу бўлганлиги сабабли баъзи асарларнинг қайси турга оид эканлиги масаласи илмий мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Биз қуйида Сэцуванинг япон насри тарихида муҳим ўрин тутувчи асосий асарлари тўғрисида тўхталиб ўтаемиз.

Сэцува насри иккита асосий илдизга эга. Уларнинг бири япон фольклор анъаналаридан эртак жанри. Иккинчи Сэцува насрида хитой адабиёти анъаналарига ўхшаш элементлар кўп. Хитой адабиётининг бу таъсири кўптармоқли бўлиб, у тилда ва поэтик усуллар характерида, айниқса, кўзга таш-

ланиб туради. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Сэцува насри бошда канбундан фойдаланган. Япон тилига ўтишдаги бурилиш - янгилик "Кандзяку"-дан бошланган. Бироқ "Кандзяку"даги новаторлик, яратувчанлик фақат шундан иборат бўлмаган. Бу даврга келиб бой наср шаклланиб бўлган эди. Жумладан, Кукури моногатори. Бу жанр хитой маданий таъсири билан баҳшлаётган жанр бўлиб, бу услуб ҳатто оддий ёзишмаларда ҳам қўлланила бошлаган эди. Кондзяку киритган янгилик шундан иборатки, у хитой ва япон тилларини бирлаштириб, мувофиқлаштирди.

Хитой ва япон адабиётининг синтези Сэцува даври насрининг илк асарлари "Нихон рёйки" ва ёки "Рёйки"да ҳам кўзга ташланади. Бу асар уч жилд ва 116 ҳикоядан иборат бўлиб, хотиралар муаллифи Якусидзий номли будда ибодатхонасининг Кёной исмли роҳиби ҳисобланади.

Япон адабиётшунослигида "Рёйки" ҳикоялари диний ва диний бўлмаган гуруҳларга ажратилади. Улардаги афсоналарнинг асосида ишонса бўладиган ҳаётий вазият ётади. Вазиятни моҳирона тасвирлаш билан бирга у мўъжизавий тарзда яқун топади. Бўлиб ўтган воқеалар тақводорларнинг рағбатлантирилиши ва гуноҳкорларнинг жазоланиши билан хотима топади. Хулосада Будда китобларидан келтирилган ақтибослар берилади. Иқтибослар асосан Нэхангё Хоннасингё ва Лотос сутраларидан келтирилган. Баъзида ҳикоя Будда ёдгорлигига мос келмайди. Бундай ҳолларда муаллиф "Сутрада шундай дейилган" ёки "Ёзувларда шундай дейилган" деб айтиб ўтади. Шу йўл билан муаллиф томонидан айtilган гаплар ниқобланади.

Афсонани баён қилиш усули сипо ва лўнда воқеалар бошидан ўтган одам ёки эшитган одам томонидан гапириб берилади.

Умуман, Сэцува жанри замонавий адабиётда анчайин ўзгарган бўлса-да, унда панд-насихат ҳамон сезилиб туради.

*Малика ХУЖАЕВА,
Тошкент Давлат шарқшунослик
институтини ўқитувчиси*



Абдулла АЙИЗОВ

МАЙМАНОҚ

*Кимни тутмас Майманоқ
Бодомининг хумори?!
Дастурхоннинг кўркидир
Анжир, ўрик, анори.*

*Ёзи ила Зебонинг
Тақдири бунда кечган.
Неча юртлар карвони
Сардобадан сув ичган.*

*Юртини мадҳ айлаган
Буюк шоир Насафий.
Хўжа Мурад бахш ота
Рухлари шод абадий.*

*Қадим қалъа сирлари
Тарихга сўйларми роз.
Кўп саркарда аллома
Шу элдан топган эъзоз.
Дуркун йигитдай тоғлар
Қишлоғимиз кўркидир.
Қара, хушхаво боғлар
Ниҳоятда кўрклидир.*

*Кундан кун очиб чирой,
Меҳримни товлантирар.
Кўкдан тушиб тўлин ой,
Қишлоқ қўйнига кирар.*

ХУРЛИК ҚУЁШИ

*Оқсаройдан пешвоз чиқиб келгандек,
Тутиб салобатли қоматини тик
"Истиқлол муборак элим" - дегандек,
Юртдошларга боқиб турар Темурбек.*

*Етти иқлим билар Сохибқиронни,
Жаҳонгир бешиги буюк Туронни.
Тарих қанча кутди бу қутлуғ онни,
Юртдошларга боқиб турар Темурбек.*

*Хур диёр кундан кун яшашиб борар,
Халқим хур Ватанни нурларга қорар.
Адолат асрлар зулматин ёрар,
Юртдошларга боқиб турар Темурбек.*

*Турон узра порлар хурлик қуёши,
Авлодимдан чиқди жасур юртбоши.
Кўзингдан кетди, деб, хорликлар ёши,
Юртдошларга боқиб турар Темурбек.*

ЮРАГИМ

*Юрагим...
Қишлоқдан шаҳарларгача
Кетгандир кенгайиб, тўлишиб.
Қалбим осмон каби юксалиб борар,
Ватаним бахтини мадҳ этгум жўшиб.*

*Дунё харитаси. Мен унга боқиб,
Устига юрагим қўйдим шул замон.
Кувончдан ҳайқирдим. Юрак ўрнида
Битилган эзгу сўз - **ХУР ЎЗБЕКИСТОН!***

ЎЗБЕКИСТОН

Онажоним Ватан, шоиранг бўлиб,
Куну тун излайман шавкатинга сўз.
Минг жоним фидодир, илҳомга тўлиб,
Кўз туморинг бўлай тегмасин деб кўз.
Бағрингда кўз очдим, қутлуғ маконим,
Аждодларим юрти, Ўзбекистоним.

Истиқлол нуридан сен тиклагин қад,
Киприкларим билан дардингни олай.
Жамолинга боқиб абадул абад,
Тупроғингда битта гул бўлиб қолай.
Тўрт фасл гул очган боғу бўстоним,
Аждодларим юрти, Ўзбекистоним.

Ойдин келажакка йўлаб турибди,
Қутлуғ қадамингни мардлар шукуҳи.
Мозийдан ҳамшиша қўлаб турибди,
Буюк Амир Темури, Навоий руҳи.
Жаҳонда ягона, тенгсиз жаҳоним,
Аждодларим юрти, Ўзбекистоним.

Меҳринг
билан порлар дилда қуёшим,
Ҳаётим фаровон гул ифоридан.
Бахтим нур қўйнида, кўкдадур бошим,
Сенга фарзандлигим ифтихоридан.
Зурафо, кўксимда шарафим, шоним,
Аждодларим юрти, Ўзбекистоним.



Зурафо НАРЗУЛЛАЕВА

ОҚДАРЁНИ СОҒИНИБ

Болалигим кечди шўху шаън,
Оқдарёнинг қирғоқларида.
Йиллар ўтиб, олис шаҳарда,
Яшайман фироқларида.

Сочларимни ювгандим илк бор,
Она дарё зилоли билан.
Тушларимга киради ҳар кеч,
Тўлқин ўйнар ҳилоли билан.

Қирғоғида бор эди уйим,
Шов-шувиди онам алласи.
Хаёлимни тортади ҳамон,
Шиддатида отам нафаси.

Мафтун бўлиб гўзаллигига,
Илк шеъримга очган эдим лаб.
Эй, Оқдарё, эй мавжли дарё,
Сендан илҳом олар ҳамон қалб.

Шовулайди кумуш тўлқинлар,
Умрим безаб, ҳисларим ёқиб.
Зурафони бағринга чорлаб,
Кўксим узра турибсан оқиб.

Ўзбек уруғлари ҳақида кўплаб рисоалар, мақолалар, илмий ишлар ёзилган. Уруғлар шундай манбаки, қанча кўп ёзилса, шунча очилмаган қирралари чиқиб келаверади. Қуйида Нурота воҳаси халқларининг этник тарихи ҳақида сўз боради.

Нурота тоғлари Помир-Олой тоғ тизмасининг шимоли-ғарбий тармоғи бўлиб, Нурота воҳасини шимол ва ғарб томондан ўраб туради. Жанубда эса Қоратоғ, Оқтоғ ва Бахилтов ястаниб ётибди. Тоғнинг энг баланд жойи Загар чўққиси бўлиб, унинг баландлиги 2169 метрга тенг. Жануби-шарқда Сангзор дарёсидаги Илонўтти тоғ йўлаги Нурота тизмасини Молгузар тизмасидан ажратиб туради. Нурота тизмасининг жануби-ғарбий тармоғи Оқтоғ бўлиб, унинг энг баланд чўққиси Тахткўҳ деб аталади. У денгиз сатҳидан 2005 метр баландда жойлашган.

Нурота тоғ тизмаси жанубдан шимоли-ғарбга томон чўзилган бўлиб, географик жиҳатдан Самарқанд, Навоий ва Жиззах вилоятлари ҳудудида жойлашган. Тоғ шимол тарафдан Айдаркўлга, шимоли-ғарбдан Қизилқум чўлларига туташган. Тоғнинг ғарбий қисми текислик, шарқий қисми эса Нурота воҳаси орқали Оқтоғ, Қоратоғ ва шу орқали Қўйтош тоғларига туташиб кетади. Тоғнинг ҳар икки тарафида Ўзбекистоннинг йирик Нурота, Фориш, Қўшрабат, Хатирчи, Пойариқ ҳамда Ғаллаорол туманлари жойлашган. Биргина Фориш туманининг умумий ер майдони 9,81 минг квадрат километр келади.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Хитой билан Европани боғлайдиган "Буюк ипак йўли"нинг бир тармоғи Нур, Мингбулоқ ботиғи ҳамда Хоразм орқали Волгагача борган, шу орқали ғарб ва шарқни боғловчи икки йўлни ўзаро туташтирган. Бири Зарафшон водийси орқали ўтган бўлса, иккинчиси Нур воҳасидан ўтган.

Воҳанинг йирик аҳоли манзилларидан бири Нурота шаҳри бўлиб, мазкур шаҳар ҳақидаги дастлабки маълумотларни Наршахий ўзининг "Бухоро тарихи" асарига келтириб ўтади.

Воҳада ўзбеклар таркибидаги қуйидаги уруғ ва

қавмлар: найман, ўзбек-туркман, қипчоқ, урганж, миришкор, қангли, сарой, мангит, юз, жалойир, бурқут, баҳрин, жодир, тома, тоз, бароқ, қадоқ уруғлари нисбатан кўпчиликни ташкил этган. Шу билан бирга бошқа этник жамоа вакиллари: тожиклар, қозоқлар, араблар, қисман, афғон ва лўлилар ҳам асосан Нурота беклиги маркази Нурота шаҳрида, Жиззах уездининг Синтоб волости кишлоқларида, Каттақўрғон уездининг Нуротага туташ ҳудудларида тарқалганлар.

Нурота тизмаси оралиғида ўзбекнинг туркман уруғи сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этган бўлиб, улар ўзбек халқи таркибидаги йирик этник қатламлардан бири ҳисобланган. Улар тарихий-этнографик адабиётларда "Нурота туркманлари" тарзида қайд этилади. XX асрнинг 20-йилларига келиб Нурота туркманларининг сони 30-35 минг кишини ташкил этганлиги қайд этилади. 1920 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра Нурота туманида 8000 дан ошиқ ўзбек-туркманлар истиқомат қилган бўлса, Самарқанд вилояти бўйича 20 мингдан ортиқ туркман уруғига мансуб ўзбеклар рўйхатга олинган.

XIX аср охири — XX аср биринчи ярмида ўзбек-туркманлар аксарият кишлоқларда ғуж ҳолда яшаб келганлар. Улар 2 та йирик уруғ-жамоа уюшмаси "олти ота ғозоёқли" ва "беш ота манғишлов"га бўлинганлар. Олти ота ғозоёқдилар "ойтамғали", "қўштамғали", "қонжигали", "бўгажили" (бўгажли, бекжигали) "ғозоёқли" уруғларига бўлинганлар. Уларнинг ҳар бири яна олтитадан кичик уруғ-қабилаларга бўлиниб, "йигирма тўрт ота туркманлар" деб аталади. Айни пайтда тадқиқотчилар ўзбек туркманларнинг воҳа бўйлаб тарқалган қатор майда қавмларини ҳам мажуд этнографик ҳамда топонимик маълумотлар асосида кўрсатиб ўтади. Шу билан бирга уларнинг Нурота воҳасига келиб ўтроқлашиши, алоҳида этник компонент сифатида ўзбеклар таркибига тўла сингиб, унинг таркибий қисмига айланганлигига ҳам урғу беради.

Иккинчи этник гуруҳга кирган уруғ-жамоа "Беш ота манғишлов"лар бўлиб, улар "чиликли", "қуниш", "анна", "сиртсулув", "қизил" қавмларига бўлинган. Улар



Минг томирли улкан дарахт

воҳанинг Жўш, Чуя, Папанай, Эски, Тоз, Бароқ, Кадоқ, Жарма, Урганжи, Ажрим, Пангат, Қовунчи, Зарбанд, Оқтепа, Майдонсой каби яна бир қанча қишлоқларида, "Олти ота ғозоёқли" ёки тамғали туркманлар асосан воҳанинг жанубий ғарбий қисмидан то Қўйтошгача, Қувқалла, Накрут, Кўлтўсин, Гараша, Қораабдал, Эшмоқсоқ, Гулчамбар, Болғали, Жарбулоқ, Норвон, Кўса, Шоҳусмон ва яна бир қанча қишлоқларда жойлашганлар.

Туркман жузлар ҳар бири саккизтадан, воқтамғалилар, жилонтамғалилар каби уруғ жамоага бўлинганлар. Воқтамғалилар ғозоёқли, кўзтамғали, кесовли, болғали, қозоқ, жириқбош, алифли, ботош ва жилонтамғалилар патас, қарға, юрга (юрчи), эгачи, болахўр, кўса, тарақли, яс (ясси) уруғ қабила гуруҳларини ташкил этган. Воҳа туркман жузлари кейинчалик ўтроқлик тарзига ўтган бошқа ўзбек уруғлари билан хўжалик маданий соҳада этномаданий алоқалар ўрнатар эканлар, суғорма деҳқончиликни анъанавий машғулот, яъни ҳайдов чорвачилиги билан уйғун тарз-да давом эттирганлар. Пчотсойда жомонтуркман, Қўшрабонтнинг Булоқбоши қишлоғидан то Пчотсойнинг ўрта оқмигача сойнинг ҳар икки қирғоғи бўйлаб туркманлар таркибидаги чиммас, манжи, бек, тентак, олтибек, кўнғирбой, кўпой, олмасувон ва яна бир қанча уруғ қавмлар тарқалганлар. Бир мунча тарқоқ этник жамоа вакиллари, хусусан, митан, қалмоқ, довли, қизилжулдуруқ, чиноқ, қоракисса, бўзахўр, чинхос, қўйчибой, мирдош, қоратоғай, қальғалилар ҳозирги кунда ўзбек-туркманлар билан ёнма-ён, ҳатто аралаш яшаб келмоқдалар.

Ўша кезларда туркман жузлар турмуш тарзи, урф-одатларида бошқа ўзбек уруғлари билан ўхшашликларга эга бўлса-да, суғорма деҳқончиликни анъанавий дашт ҳайдов чорвачилиги билан қўшиб олиб борганлар.

Маълумки, воҳанинг табиий иқлим шароитига мос равишда лалмикор деҳқончиликда сунъий суғоришга бўлган аҳоли эҳтиёжлари тўла қондирилмагани учун, суғоришнинг воҳага хос тури - коризлар орқали сув чиқариш кенг тарқалган. Нурота, Қўшработ туманларидаги Оқтоғ ва Қоратоғ оралиғидаги бепоён ҳудудларда воҳа сарой туркманлари XX аср бошларигача кориз сувларидан кенг фойдаланиб, далаларни суғорганлар. Бундай коризларнинг айримлари ҳозирги кунгача сақланган.

XIX аср — охири XX аср биринчи ярмида манғитлар этнографик уруғ сифатида Нурота тоғининг жануби-шарқий ҳудудларида, асосан, Форишда Илончи, Осмонсой, Деристон, Ёмчи, Сайёд, Баланд, Осмон қишлоқларида, хусусан, Устухон чўлидан то Оғзи-кентгача бўлган қишлоқларда тарқоқ ҳолда жойлашганлар. Фориш манғитлари асосан иккита катта қавмга бўлинганлар. Булар "қирлик" ҳамда "сойлик"лар деб аталади. Қирликлар одинасарик, шотилиб, оқаат, Сойликлар хўжакорсан, мансур, жалмаат, қурбонажи, чули каби уруғ қавмларидан иборат бўлганлар. XX аср бошларида барча минтақаларда аҳоли орасида ниҳоясига ета бошлаган ўтроқлашиш жараёна-



ри натижасида қирликлар чорвачилик билан бирга ко-сибчилик ҳамда деҳқончилик билан машғул бўлганлар, сойликлар эса сой бўйларида асосан узум, донли экинлар етиштириб, савдо билан шуғулланганлар.

Турклар Нурота тоғининг шимолий тизмасига яқин қишлоқларда, катта қисми Форишда ва Моргузар тоғ воҳаларида, асосан Баландосмон ва Ажримда тарқалганлар. Қўнғиротлар кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб, юқори Зарафшон воҳаси, Каттақўрғон ва Жиззах уездларининг Нуротага чегарадош ерларида, саройлар тоғнинг жануби-ғарбий ҳудудларида, катта қисми Жума бозор атрофларида, урганжилар Урганжи қишлоғида, жалойирлар, бахринлар Нуротанинг жанубий тизмаларида, митанлар воҳанинг Митан аҳоли пунктига яқин ерларда ва Каттақўрғон уездининг Нуротага туташ воҳаларида тарқалганлар.

Нуротанинг марказий, шимоли-шарқий тармоғи бўйлаб жойлашган сарой, митан, жалойир, қўнғиротларда ҳам мавсумий чорва кўчиши, ярим ўтроқ турмуш тарзи устун бўлган. Жалойирлар Оқтоғ этакларида Жалойирадир ҳудудларида кўпроқ чорвачилик билан шуғулланганлар, XX аср бошларига келиб, уларнинг аксарияти Пчотсой ҳавзасидаги Оқтепага келиб ўтроқлашадилар. Улар абайтўш, итбўрибой, бегамтўп каби уруғларга бўлинганлар.

Жалойирлар XIII аср бошларида мўғуллар Ўрта Осиёни босиб олгач, Нурота воҳаси ҳудудида доимий равишда турғунлашиб, маҳаллий халқлар билан доимий этногенетик ва маданий алоқада бўлиб келганлар. Бундай алоқалар тоғнинг ҳар икки тарафида тарқалган ўзбек, тожик, қозоқ этнослари учун ҳам характерли эди.

Барлослар Қўшработ туманининг жанубий ҳудудларида, бодой кўролослар эса, Оқтоғ ва Қоратоғ оралиғидаги қишлоқларда ва Қўшработ қўрғонида яшаб, асосан Қўшработсой ҳавзаларида деҳқончилик билан машғул бўлганлар. Нурота шаҳрида ўзбекларнинг қоратуркман, турк, буркут, миришкор, бахрин, туркман, қорахон, қорлуқ, чўмичли, татар уруғлари яшаганлар, Миришкорлар воҳадаги кам сонли ўзбек уруғларидан бири бўлиб, фақатгина ғуж ҳолда Нуротанинг жануби-ғарбидаги Миришкор қишлоғида ўтроқлашганлар. 1920 йилги маълумотларга кўра, мазкур

қишлоқда улар 400 кишини ташкил этган. Этник жамоа аваз, шаҳад ўтаган, жумабой тўқсон, бўри ва обой уруғ-жамоаларига бўлинганлар. Тоғ дарасида жойлашган миришкорларнинг аксарияти XX аср бошларида ҳам қадимги анъанавий овчилик машғулотларини давом эттирган ҳолда тоғ чорвачилигини Нуротанинг баланд тизмаларида кўйчилик, йилқичилик билан боғлиқ тарзда ривожлантирганлар.

Найманлар Нуротанинг шимоли-шарқий тизмаларида, асосан, Учма Сафар ота, Балабон қишлоқларида жонон ва бектош уруғ-жамоаларига бўлинганлар. Найманларнинг бир гуруҳи Авлиёота қишлоғида қорахон жодир уруғлари билан аралаш яшаганлар. Юзлар Фаллаорол туманининг Лаққа, Сайхон, Такали, Чаёнли, Сайфин ота, Ёйилма, Чувиллоқ қишлоқларида, қанғилар эса Қанғли, Ширконли, Қоронгул қишлоқларида ва Нурота тоғининг Сангзор дарёсига туташ ҳавзаларида ярим ўтроқ яшаб, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлар.

Воҳанинг табиий географик ўрни ҳамда иқлим шароити аҳолининг оилавий ҳамда хўжалик турмуш тарзига таъсир этмасдан қолмаган. Тоғнинг ҳар икки тарафидаги бепоеън даштлар ва суғорма деҳқончилик воҳаларида хўжаликнинг уч асосий тури шаклланган бўлиб, улар воҳа суғорма деҳқончилиги, дашт-адир чорвачилиги, тоғ ҳайдов чорвачилиги ва боғдорчиликдан иборат эди. XX аср ўрталарига келиб, тўла ўтроқлик тарзига ўтган қанғилар хўжаликнинг ушбу турлари билан шуғулланиб келган воҳанинг бошқа этнослари ва этник гуруҳлари билан муштарак этнома-

даний алоқада бўлиб келганлар. Зеро, ушбу халқларнинг воҳа этномаданий муҳитига тўла мослашишлари учун уларнинг кўп йиллар давомида бир ҳудудда яшаб ўзаро хўжалик алоқада бўлишлари муҳим омил ҳисобланган.

1926 йилдаги маълумотларга кўра, XX аср бошларида тоғ атрофларидаги аҳоли пунктларида жалойирлар 3,5 минг, саройлар 2,5 минг, митанлар 600, миришкорлар 400, урганжилар 265, бароқлар 40 кишини ташкил этган.


Ўзбек хўжалар воҳанинг азалий турғун аҳолиси, яъни ўтроқ қатлами бўлиб, Фориш тумани Гараша қишлоғидаги Қўрғон, Яккатол, Чақир-чуқур, Хўробоғзи, Ўртабулоқ, Чоштепа қишлоқ мавзеларида ўзбек-туркманларнинг бизов, гирра, уруғ-қавмлари билан аралаш яшаганлар. Афсуски, ўша даврдаги статистика хўжалар ҳақида тўлиқ маълумотлар бермайди. Негаки, ушбу статистик ҳамда эгнографик маълумотларда хўжалар дашт-адир зоналаридаги ярим ўтроқ чорвадор ва бошқа ўзбек уруғларидан ажратилиб, алоҳида қайд этилмаган. Зеро, бу алоҳида тадқиқотни талаб этади.

Ўрганилаётган даврда тожиклар, асосан, Навоий вилоятининг Нурота ва Жиззах вилоятининг Фориш туманида тоғнинг шимоли-шарқий йўналиши бўйлаб ўнга яқин қишлоқларда тигиз жойлашганлар. Улар ўзларини тоғнинг азалий аҳолиси деб ҳисоблайдилар. Шу боис уларнинг аксарият қисми воҳанинг тоғли ҳудудларида, хусусан, Нурота туманининг Синтоб, Соб, Сумбулоқ, Катта Эж, Устук, Катта сой, Кичик сой қишлоқларида, текислик тожиклари эса яхлит ҳолда, Фозгон, Деҳибаланд қишлоқларида ва Нурота шаҳрида ўзбеклар билан аралаш тарқалганлар. Фориш туманининг Ўҳум, Можирум, Андагин, Устук, Ҳоят қишлоқларида ҳам тожиклар тарқалган бўлиб, уларнинг асосий қисми тоғ чорвачилиги, булоқ ва сой бўйларида деҳқончилик ва уй хунармандчилиги билан шуғулланганлар.

Нурота тоғининг шимоли-ғарбий йўналиши бўйлаб жойлашган қишлоқларда Фориш ширкати (Фораши, Порашт)да тожикларнинг маҳаматзамони, қоровулбеги, қолмаги, Ўҳумда албаки, султони, тобағди, Можирумда сайфи, халачи, хунуксой, Устук қишлоғида қозиги, туркони, ниёзи, Синтобда муллои, солиҳи, ҳофизи, нажмиддини, ёдгори, султон хусайини, байрами, эшмаҳамади, Катта Эжда қозиги, чолмаги, муллои, шохи каби қабила-уруғ шахобчалари тарқалган. Улар Нурота шаҳри, Фозгон ва Деҳибаланд қишлоқларида ўзбеклар билан аралаш тарқалганлар. Тоғ оралиғида яшовчи аҳоли қадимдан сунъий суғорма деҳқончилик, тоғ чорвачилиги ва хунармандчилик билан машғул бўлганлар.

Уруғларни ўрганиш кўҳна тарихнинг бир саҳифасини очиш билан баробар. Кексалар билан суҳбатлашсак, қайси уруғданлигимизни, етти отамизни суриштиришади. Халқнинг бу удумида ҳам теран маъно бор. Зеро, илдизларни билиш бизнинг кимлигимизни аңглатади.

Файзулла ТОЛИПОВ



Меҳр

Султон бобо нимагадир бугун азонлаб ҳаракатга тушиб қолди. Аввало, соқол-мўйлабини ҳафса-ла билан яхшилаб текислади, кийимларини янгисига ўзгартирди. Чаққон-чаққон қимирлаб каравотини, сўнг палатани тартибга солди. Ҳамшира келтирган дорини совуқ чой билан "култ" этиб ютди-да, илдам юриб йўлакка чиқди. Нонушта ҳам қилмай, гулдор ҳассасини дўқиллатганча, коридорнинг у бошидан бу бошига юра бошлади.

Мўлжалдаги вақт ўтди, шекилли, нимчасининг чўнтагидан соатини қўлига олиб, бир-икки бор қараб қўйди. Ниҳоят, тоқати тугадими, асабийлашган ҳолда палатасига қайтиб кирди ва "уф" дея каравотга чўзилди.

Сал вақт ўтгач, эшик очилиб, кенг елкаларига оппоқ халатни омонатгина ташлаб олган баланд бўйли, қадди-басти келишган, юз бичими Султон бобога ўхшаш йигит кириб келди. Шарпани сезган чол шошиб ўрнидан қўзғалди. Аммо ҳар куни келиб-кетадиган ўглини кўриб тарвузи кўлтигидан тушди ва зарда билан сўради:

- Қани у?!

- Хафа бўлманг, ота, - ўғил майин жилмайди. - Ойимнинг бугун зарур юмушлари бор экан, кечроқ ёки эртага келармишлар.

- Эртага келармиш... Эртага келармиш...

Бобо энди чинакамига аччиқлашиб, девор томонга ўгирилиб олди. Ўғли ҳарчанд гапга солмасин, жавоб бермади. Столда уйилиб турган ноз-неъматларга қўл уриш у ёқда турсин, ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. Азбаройи хафа бўлганидан чолнинг чиройи ҳеч очилмасди. Кун пешиндан оққанда ечинмасданоқ каравотига ётганча ухлаб қолди. Кеч кириб, беморлар ўринларидан кўзғалиш-

ди. Кимдир телевизор томоша қилар, бошқалар шахмат-шашка ўйнар, яна бировлар соф ҳаво илинжида ҳовли кезарди. Бобо эса бир ёнбошга ўгирилиб олганча, қимир этмай ётаверди.

Шу пайт қўлида тугунча кўтарган буви кириб қолди. У фаришталардек оҳиста келиб, хурракни узун тортиб ётган чолнинг устига энгашди. Кампир эллик йиллик умрдошининг серажин пешонасига кафтини меҳр билан босди. Бобо талмовсираб кўзини очди. Қошида майиздай бўлиб ўтирган кампирни кўргач, чуқур энтикиб, қалби бир он қалқиб кетди. Бироқ чолнинг шу он яна қовоғи уюлди. Иккаласи бирпас жим қолдилар. Ниҳоят бобо паст, лекин дағалроқ товушда деди:

- Шу ҳам инсофданми, кампир, наҳотки бугунги кунни унутган бўлсанг?!

- Бир қошиқ қонимдан кечинг! - табассум-ла бобога боқди кампир. - Роппа-роса эллик йил аввал мени кечикиброқ олиб келиб, сизга топширганларида ҳам тўй совиб қолди, деб авзойингиз сал айниганди. Мана, кечикиброқ бўлса ҳам келдим-ку! Сизни ташлаб қўярмидим...

- Ҳо-ҳо-ҳо! Оббо, сен-эй, жавобини ҳам тайёрлаб келган экансан-да!

Буви чаққон ҳаракатлар қилиб, ўзи келтирган ноз-неъматлар билан чолни сийлай бошлади.

- Э, э... Биздан нодонлик ўтибди-ку! - деди чол ўрнидан чаққон тураркан. Энди Султон бобо билакларини шимариб бувининг хизматида бўлди. Чолу кампир алламахалгача шу зайл гаплашиб ўтирдилар.

Асад АСИЛ



Мафтуна БАХТИЁРОВА,
Юнусобод тумани 302-мактаб
9-"в" синф ўқувчиси

ОНА ЮРТ

Юртим ажиб, гўзал диёр,
Номи тилларда дoston.
Бундай ўлка қаерда бор,
Ўзбек, Ўзбекистон.

Боғда булбул навосин
Тинглаб дилдан яйрайман.
Тиниқ, шаффоф ҳавосин
Ғуборлардан кўрийман.

Йигитлар ботир, полвон,
Алпомишга ўхшайди,
Қизлар Барчин, Бибихон,
Юрт деб ёниб яшайди.

Атрофи боғу бўстон,
Ҳар гўшаси гулистон,
Номи тилларда дoston,
Юртимиз Ўзбекистон!

УСТОЗЛАРИМ

Устозларим меҳрибон,
Сўзларида сеҳри бор.
Улар менга қадрдон,
Тўғри йўл кўрсатар ҳар он.

Устозларим тиним билмас ҳеч,
Бизни дея ишлар эрта-кеч.
Бизга дейди "Ўқигин, болам,
Гар ўқисанг, яшнайдим олам!"

Яхшимизни доим оширган,
Ёмонимизни мудом яширган.
Улар фақат қилар яхшилик,
Бу эзгулик оламга татигулик.

Менюи Бўзқурт 1940 йилда Қибрида туғилган. Қибриё ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилган. “Мангал”, “Бир кечада” каби романлари, ҳикоялари озарбойжон, болгар, украин ва юнон тилларига таржима қилиниб, чоп этилган. Ўзбекистонда ҳам бир неча ҳикоялари ва “Мангал” романидан нарчалар вақтли натижада эълон этилган. Бўзқурт ўз асарларида Қибрида рўй бераётган турли-туман воқеалар, тўқнашувлар туфайли инсон характери, руҳиятида еодир бўладиган ўзгаришларни қаламга олади. Ҳўида унинг “Тумор” ҳикоясини этиборинишга ҳавола этмоқдамиз.

Онам отам учун ҳар ишни қилди. Таъбир жоиз бўлса, уни боласидек парвариш қилди. Овқатини, қаҳвасини берди, кирларини ювди, йиртигини ямади. Хасталанганда ёнидан кетмади, қайғули кунларида кўнглини кўтарди.

Жанубдаги бор нарсаларини ташлаб, Шимолга кўчганларидан кейин, кексайишганида ёнимизда бўлишлари учун Марашга жойлаштирилган эдилар. Албатта, бу иш менинг қистовим туфайли бўлганди.

Отам азалдан деҳқон эди. Янги турмуш унга ҳеч ёқмади. Ўзини ўзи ичдан еди. Жанубда ташлаб чиқилган кўчмас мулкига тенг мулк бериш иши амалга оширилгач, бир нарсалар олган бўлса-да, еридан айрилганди. Отасидан қолган, бир қисмини ўзи сотиб олган мол-мулкни, ерини ҳеч унута олмади. Балки бироз муболағали бўлиши мумкин, лекин Шимолга келганидан, яъни ўз ери, уй-жойи, мулкидан жудо бўлганидан сўнг, юзи кулгу кўрмади.

Онамдан айрилгандан сўнг, отам янада ўз қобигига ўралиб қолди. Чўкди, шамдай эриб битди. Соғ бўлсин, хотиним тушуниб иш кўрди. Мен билан бирга уни парвариш қилиш учун қўлидан келганини аямади.

Онам ҳаётлигида отам оқшом пайтлари бир неча соатини қаҳвахонада ўтказишга одатланганди. Бу вақтлари онам ё кўшнисиникига кетар, ёки биронта кўшни аёлни меҳмон қиларди. Онам вафот этгач, отам қаҳвахона завқидан ҳам воз кечди. Ўз қобигига ўралгани етмагандай, уйдан ҳам чиқмайдиган бўлди. Нима ҳам қила олардик? Бизнинг ҳам бола-чақамиз бор. Эрталаб ишга кетишда ва кечки пайт ишдан қайтишда уни бир зиёрат қилиб ўтишдан бошқа иш қилолмасдим.

Отам бора-бора уйқусизликдан шикоят қиладиган, қандайдир овозлар эшитаетгани, кечалари жинлар ва ажиналар билан гаплашгани ҳақида сўзлайдиган бўлиб қолди. Бизда бунақа воқеалар ҳақида сўзлайдиган кишиларга “унга кўринади” дейишади. Ҳар ҳолда отамга ҳам “кўринаётган” эди.

Бир кун эрталаб ёнига борганимда мендан яхши

бир домладан тумор ёздириб келишимни илтимос қилди. Ҳолбуки, отам кўпам диндор эмасди. Масжидга ҳайит кунларигина борарди.

— Хўп бўлади, ота, — дедим.

Шундай десам-да, отам бу гапни кўп ўтмай эсидан чиқариб юборди, деб ўйлагандим. Фақат уни ранжитмаслик учун “хўп” дегандим.

У бўлса унутмаган экан. Анча вақт ўтгач, тумор ҳақида сўраб қолди. Довдираб, уни-буни ваз-корсон кўрсатиб, “унутдим” дейиш билан кифояландим.

Бизда отанинг истагини унутиш, бажо келтирмаслик тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Отам қаҳри қаттиқ одам эмасди. Болалигимдан бери менга озор берган ёки бирон марта бўлсин, урган эмас. Шунингдек, мен ҳам уни ранжитиши мумкин бўлган бир оғиз сўзни ҳеч қачон сўзламаганман.

Эҳтимол, у бор нажотни тумордан деб, бу масалага қаттиқ ёпишиб олган бўлса керак. Жоҳил бир муллага бориб, тумор ёздириш менга ўхшаган одамга тўғри келадиган ишми, ахир?!

Муаммони неча йиллик оғайним ва ҳамкасбим Турғутга айтдим. Олдинига: “Этибор қилма. Унут бунни. У ҳам эсдан чиқарар”, — деди Турғут.

Эсидан чиқармаётганини тушунтиришга уриндим. Дарднок, саргайган юзимга боқиб, кулди ва отаси Фавзи тоғадан эшитган бир ҳикояни сўзлай бошлади:

Отам ёшлик чоғларида баъзан эшагига зайтун, зайтун ёғи ортиб, Масария қишлоқларини айланиб, уларни сотарди. Сафари бир неча кун давом этарди.

Бир марта отамнинг кекса амакиси Масариянинг бир қишлоғида яшайдиган анча номдор бир мулладан тумор келтиришни илтимос қилган. Қария қаттиқ бош оғригидан азоб чекаётган эди. У машхур мулланинг ўқиб, куф-суфлаб берадиган тумори дардига дармон бўлишига ишонар эди.

Отам савдо-сотикни тугатиб, эшакка миниб, қишлоғига қайтаётганидагина амакисининг илтимосини эслайди ва илтимосни бажармагани учун қаттиқ афсусланиб, ўз-ўзидан жаҳли чиқади.

Амакисининг олдида хижолат бўлиб қолиши аниқ эди. Йўл бўйи шуни ўйлаб, чора ахтаради. Нима қилиш керак? Амакиси туморни



ўша таниқли мулладан келтиришни сўраган. Ўша муллани топиш учун орқага қайтиши ва яна бир неча кунни совуриши керак.

Охири бир қарорга келади: амакисига унутганини айтмайди, туморни бўлса, ўзи тайёрлайди.

Уйига келар-келмас, амакиси уйга келиб, туморни сўраб қолади дея, бир парча қоғозга нималарнидир ёзади, қоғозни учбурчак шаклида буклаб, устини бўз билан қоплаб, тикади.

Шундай бўлса-да, илк учрашган пайти ўзи тайёрлаган ўша сохта туморни амакисига бермайди. Амакиси ҳам сўрамайди. Ичидан “унутган бўлса керак” дея, севинади.

Лекин амакиси унутмаган эди. Иккинчи бор кўришганларида ҳам аввалига бу ҳақда оғиз очмайди. Кўрадики, отамдан сас-садо йўқ. Шунда тумор не бўлганини сўрайди. Бу орада бош оғриги яна-да кучайганини ҳам айтиб қўяди.

Фавзи тоға “унутибман” дея, ўзи тайёрлаган туморни чўнтагидан чиқариб беради.

Кейинги учрашувларда амакиси уни дуо қилади. Туморни олганидан сўнг бош оғриги камайганини айтади. Кейинроқ бўлса, бош оғриги батамом йўқолганини айтиб, шодон табассум қилади.

Турғут отаси бу воқеани бир неча бор кулиб ҳикоя қилганини илова қилганидан сўнг, менга ҳам айна ишни қилишим кераклигини тайинлади:

— Сен ҳам бир парча қоғозни букла, устини бўз билан қопла. Ўқилган тумор деб, отанга бер, — деди.

Бошда бу ишга қўлим бормади. Отам туморни кўп эслайвергач, ўз-ўзим билан хийла баҳшлашгандан сўнг, Турғут айтганидай қилдим. Бошқа чорам йўқ эди. Ё бир жоҳил муллага ялинишим, ёки Турғутнинг айтганини қилишим керак эди.

Тавба! Ишониш ҳам даво экан. Отам туморни олиб, бўйнига таққанидан бир неча кун ўтгач, уйқусизлиги йўқолганини, жин ва ажиналар келмай қўйганини сўзлай бошлади!

Бизнинг таъбиримиз билан айтганда, энди унга “кўринмай” қўйган эди...



Мемор БҶЗҚУРМ

Мен яшайдиган жойда куёш чиқаркан, денгиз кўпинча чойшабдек текис, осуда ва пок-покиза бўлади. Кечалари ҳам шундай. Бундай вақтлари денгизда чўмилиш жуда маза. Эргалаб чўмилишнинг завқи бўлса, бутунлай бошқача!

Албатта, бу ўринда мен ёз мавсумини кўзда тутяпман.

Шунинг учун бўлса керак, ёз бўйи тонг оқарганданоқ уйғониб, машинамга миниб, соҳилга жўнайман! Қумлоқда юриб, денгизда чўмилиб ўтказган бир неча соат ўша кунни тетик ва нашғали бўлишимга сабаб бўлади.

Ўша тонг ҳам шундай бўлди. Анчагача қумлоқда кездим, сўнг бандаргоҳнинг ёнида денгизнинг кишига ҳузур бағишловчи тўлқинлари оғушига ўзимни отдим.

Атрофимда яна бир нечта киши бор эди. Бировнинг биров билан иши йўқ, ҳар ким ўз-ўзича, ўзи хоҳлаганича дам олаётган эди. Кийиниб олган, пиллапоярлардан тўғри қумлоққа тушаётган давангир ёш йигит ва нозиккина ёш аёл аввалбошданоқ диққатимни тортди. Бандаргоҳ ёнида тўхтадилар. Эркак аёлга бир нарсалар деди. Аёл эътироз билдирди шекилли, эркак бу гал қўлларини силкитиб гапирга бошлади. Қизишган ва аёлга буйруқ бераётган эди, чамамада. Билмадим, негадир аёлни Шарқий Европа мамлакатларидан келган бир Наташага ўхшатдим! Дарҳол кўз олдимда унга боғлиқ сценарий жонлана бошлади.

Узоқ ва оғир меҳнатдан кейин ўзи ишлайдиган кечки клубдан барзанги тансоқчиси ҳамроҳлигида чиқиб, уйига қайтган аёл денгизда чўмилиш учун ялиниб-ёлворган, эркак ҳам рози бўлган.

Бандаргоҳнинг ёнига келганларидан кейин аёл қумлоққа тушиб, ечинмоқчи бўлган, эркак бўлса, қарши чиқиб, “шу ерда ечинасан, кийимларинг шу ерда қолади” деган эди.

Тансоқчи хўжайинининг қимматли мулки бўлган бу хотинга жавобгар эди! Аёлга кўз-қулоқ бўлиши, агар қочмоқчи бўлса, олдини олиши керак эди. Худо сақласин, агар аёл қочгудек бўлса борми, хўжайиндан оладиганини оларди. Яна бунинг устига унақа-бунақа танбеҳ-панбеҳ ҳам эмас!

Бундай аёлларга сотилишидан олдин жуда оғир шартлар ёзилган мажбурият имзолатиб олишларини газеталар очикдан-очиқ ёзишарди. Шу тариқа пул топиш қўйида бу йўлга тушган ёки шунини мақбул топган аёллар гаровга олинган, узоқ вақт мобайнида абжағи чиққунга қадар ишлатилар, охири шираси сўрилган узумдай бир четга улоқтириллар ва юртига ниҳоятда оз пул билан қайтар, ёхуд янада

тубанлашиб, шалтоққа ботар эдилар.

Бу аҳволга қарши бош кўтариб, қочмоқчи бўлган, янада тўғрироғи, гаровдан қутулишга уринган аёллар тўғрисида газеталарда тез-тез ёзиб туришади. Бироқ уларнинг қутулиш учун қилган ҳаракатлари кўпинча ўзлари имзолаган мажбурият деворига урилиб, зое кетади...

Йигит ўша ерда, бандаргоҳнинг бошида парда кўтарди. Аёл ечиниб, қўлидаги кичик сумкадан чўмилиш кийимини чиқариб, кийди. Уст-боши ва сумкани ўша ерга қўйдилар. Давангир қўлларини силкитиб, яна бир нарсалар деди.

Йигитнинг қўйлаги шимининг устидан осилиб тушганди. Аёл билан гаплашаркан, қўйлагининг этагини юқорига кўтариб, белидаги тўппончани силаб қўйди. Ҳар ҳолда аёлга: “Қочишга уринакўрма, отиб ташлайман”, деяётган эди, чамамда.

Аёл бандаргоҳнинг охирига йўналди. Эркак бир нарсалар сўзлай-сўзлай орқасидан эргашди. У эгасининг этагидан кетмайдиган содиқ игта, аёлга ошиқу беқарор бўлган одамга ўхшарди.

Бандаргоҳнинг охирига етгач, аёл “чўлп” этиб ўзини сувга ташлади ва қулоч отиб, очиқ денгиз томонга сузиб кетди. Йигит оёғига қақиртикан кирган ёки қизиган темирни босиб олган одамдай турган жойида сакраб, вайсай бошлади. Қўллари билан нималарнидир ишора ҳам қилар эди. Аёл бўлса, бандаргоҳдаги йигитга бир қараб қўйгач, очиқ денгиз қўйнига сузиб кетаверди. Уларни кузатаркан, “Аёл ҳақиқатан қочмоқчимикан, ажабо?” деб ўйладим.

Миям яна сценарий яратишга ўтди:

Аёл анча узоқлашгандан сўнгра, денгиз ўртасида балиқчи кемасига дуч келиб, ёрдам сўрайди. Қайиқдаги балиқчи инсонпарварлик туйғуси устун келиб, унга кўмакчи бўлишни хоҳлайди ва аёлни қирғоққа олиб чиқиб, яширади. Бир қанча муддатга... Ундан кейин-чи?.. Не бўлгани маълум бўлгач, хўжайин мафия билан алоқадорлиги туфайли мажбурият қоғози билан аёлнинг рўпарасида пайдо бўлиши турган гап. Балиқчи у ҳолда аёлга янги паспорт топиб бериши керак. Хўш, лекин балиқчи бу ишнинг удласидан чиқа оладими?

Балиқчининг хотини борлиги эҳтимолдан холи эмас. Хотинига Наташани нега яшириб қўйганини тушунтириши керак. Бу осонми? Балки у буни хотинидан яширар.

Балиқчи инсонпарварлик туйғусидан маҳрум, очкўз, хотинидан тўйган бир кас бўлиши ҳам мумкин. У ҳолда балиқчи аёлни қайиққа оларкан, ундан фойдаланиб қолишни кўзлаши ҳам мумкин. Ҳатто унга тажовуз қилиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Тажовуздан кейин аёлни ўлдириш каби иш бўлса-чи? Бунга қатъиян йўқ дейиш қийин ҳар ҳолда!

Аёл очиқ денгизда дуч келган қайиқ бир ўзи ёки ҳамтовоқлари ила аёллар, қизлар билан айш-ишрат қиладиган кишиники бўлиб чиқса-чи?.. Бу ҳам бўлиши мумкин.. Бунақа ишлар асосан кечалари қилинади. Эрталабданоқ бунақа ишрат қилиш бўладиган иш эмас. Бунинг устига бундай кимсаларнинг аёлга ёрдам қўлини чўзиши ақлга тўғри келмайди. Балки аёлни масхаралаб, устидан қулишар, ўйинчоқ қилиб ўйнашар. Ҳатто! Қаердан билай? Вақтичоғлик учун намойишкорона тажовуз саҳнаси ташкил этишар.



Жозибали ниқоблар

Инсон яралишдан бир хил жусса, бир хил тузилишга эга. Бироқ ҳар бир одам ўзининг алоҳидалиги, ўзигагина хос бўлган томон-

лари билан ажралиб туради. Бир кунда бир неча хил одамларга дуч келамиз. Ҳар хил қиёфа, ҳар хил чеҳра, ҳар хил истара. Уларни юз териси ва улар парвариши билан боғлиқ жиҳатлар умумлаштириб туради. Куйида қуруқ юз териси ва унинг парвариши билан боғлиқ ниқоблар ҳақида маълумотга эга бўласиз.

Юздаги қуруқ тери анчагина муаммоли. Кўп ҳолларда тери 40 ёшдан кейин қуруқшайди, аммо истиснолар ҳам бўлиб туради. Қуруқ юзда доимий тортишиш ҳисси бўлиб, у эрта ажин тушишига мойил бўлади. Аммо юз тўғри парвариш қилинса, қуруқ теридаги нуқсонларга қарши муваффақиятли курашиш ва ажинлар пайдо бўлишини бир неча йилга кечектириш мумкин. Қуруқ теридаги асосий муаммо тери таркибида намлик ва ёғларнинг етишмаслигидир. Шу боис қуруқ тери соҳибалари совундан фойдаланмасликлари тавсия этилади. Юзни ювиш учун оддий сувнинг ўзи етарли, кечқурунлари юздаги макияжни артиш учун пардоз сутидан фойдаланса бўлади. Унинг таркибида етарли даражада ёғлар мавжуд бўлиб, у юз терисини яхши

намлантиради. Шунингдек, пардоз ниқоблари ҳам қуруқ терили юзни парвариш қилиш учун самарали восита ҳисобланади.

Лимон-қулмоқли (хмель) ниқоб. Лимон-қулмоқли ниқобни тайёрлаш учун бир чой қошиқдан қизилпойча (зверобой), мойчечак, маймунжон барглари, қулмоқ гуддалари, ер тути барглари олинади. Улар аралаштириб, устига бир стакан иссиқ сув қуйилади ва бир неча соатга дамлаб қўйилади. Кейин у докада сузиб олинади. Илиқ дамламага бир чой қошиқ асал, иккита тухум сариғи ва битта лимоннинг суви қўшилади. Уларнинг барчаси яхшилаб аралаштирилади. Ниқоб юзга сурилиб, 30 дақиқага қўйилади. Кейин у сув билан ювиб ташланади.

Мевали намлантирувчи ниқоб. Ниқоб учун бир ёки икки пиёла янги узилган ёки музлатилган қулупнай ёки смородина мевалари, сули ёрмасидан тайёрланган ун ва бир чой қошиқ ланолин олинади. Ниқоб учун ланолин сувли ваннада эритилади, унга сули уни қўшилади. Бир хил масса ҳосил бўлгунга қадар яхшилаб аралаштирилади. Ушбу жараённи тўхтатмаган ҳолда унга мева шарбати қўшилади.

Қорағатли ниқоб. Бир неча қорағат меваси эзилади, уларга бир чой қошиқдан қаймоқ ва асал қўшилади. Тайёр ниқоб тозаланган юзга сурилади ва 20 дақиқага қўйилади. Ниқобни гиёҳли дамлама шимдирилган момиқли тампон

Фикран сценарийни ўзгартираман:

Аёл хийла узоклашгандан сўнгра, жануб ёки шимол томонга сузади ва қатта қайрилиш ясаб, қирғоққа чиқади.

Бу вақтда сохилда ҳеч ким йўқ бўлади.

Аёл ё биронтаси келгунча кутади, ёки кимгадир учрагунча юради.

Имзолаган мажбурияти сабабли полицияга бориш ҳаёлига ҳам келмайди. Бутун умиди уни тушунадиган ва ёрдам қўлини чўзадиган бирор кишини топиш.

Кутаркан ёки юраркан, бирини топди, деяйлик. Не бўлади?

Ўша вақтда учраган киши денгиз соҳилига туташ ўрмоннинг бир четиди ёз кунларида текин тунашга рухсат олган бир қочоқ ишчи бўлиши мумкин. Кўпдан хотин зотини кўрмагани учун кутурган бу киши рўпарасида фақат сийнабанду иштонча кийган оппоққина бир гўзални кўрди дегунча, ҳирси кўзғалиб, аёлга кўполлик билан тажовуз қилади. У билан бирга тунайдиган шериклари ҳам тажовузга қўшилади.

Қайта-қайта зўрлашлардан кейин, кўрқув туфайли шафқатсизлик ҳиссига мубтало бўлган тажовузкорлардан бири аёлни ўлдириши ҳам мумкин!

Ўша соатларда аёл учратган киши эрталабки сайрга ёки спорт билан шуғулланиш учун чиққан бўлиши мумкин. Бундай кишининг тажовуз қилиш эҳтимоли оз, дея тахмин қилсак бўлади. У ҳолда бу киши ўта кўрқоқлиги ва эҳтиёткорлиги сабабли, бошини балога қўймаслик учун, аёлнинг кўмак ўтинчини рад қилади, ёхуд жўмардлиги тутиб кетиб, аёлга ёрдам беришга қарор қилади. Бу киши оилали ёки бўйдоқ

бўлиши мумкин!

Оилали бўлса, хотинига Наташага яхши ниятда ёрдам қилмоқчи эканини айта оладими?

Жуда мустабид, хотинини икки пулга олмайдиган эркак бўлса, балки айта олар. Зотан, бундай киши учун воқеани хотинига айтиш ёки айтмасликнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

Ҳар икки эҳтимолнинг оқибати бир.

Барча ҳолларда бу кишининг кўз олдида тоғдек муаммо пайдо бўлади. Аёлни бир неча муддат яшириб қўядиган жой топиши ҳам яна бир муаммо.

Айтайлик, аёлга учраган киши бўйдоқ. Бу бўйдоқ илк ондаёқ ваҳимага тушиб, ёрдам ўтинчини рад қилиши мумкин. Аёллар, қизлар билан тиллаша олмайдиган бири бўлса, ваҳимага тушиши гоят табиий! “Пайти келганда фойдаланиб қолай” деб ўйлайдиган бири бўлиши ҳам мумкин.

Охирида бўйдоқ ёш йигитнинг ҳам, хотинига ҳисоб берадиган кишининг ҳам бу ҳолда қилиши мумкин бўлган иши айна бўлиб чиқади. Тажовуз, яшириш, кўмак эҳтимоллари тенг.

Ҳа!.. Албатта, аёлга ёрдам қилишни хоҳлаган эркаклар кунлар ўтди дегунча, уни яхши кўриб қолишлари бошқа бир масала! Бу бир томонлама ёки икки томонлама бўлиши мумкин. Уйланиш билан ниҳояланиши ҳам ёки уйланмаслик билан тугаши ҳам мумкин. Севги хўжайин қўлидаги қарз қоғозини тўсиқликдан чиқара оладиган даражада шартшароит ҳосил қилиши мумкин ва кўзи юмуқ ошиқ севгилсини не қилиб бўлса-да, қарздан озод қилади! Бунда у ё

билан артиш лозим. Ниқоб олиб ташланганидан кейин юзга озиклантирувчи крем суриш зарур.

Картошкали ниқоб. Ушбу оддий ва самарали ниқобни тайёрлаш учун бир нечта картошка қайнатиб пиширилади ва яхшилаб эзилади. Картошкага сут ва бирор-бир меванинг янги сиқилган шарбати солинади. Ниқоб юзга сурилади. 20 дақиқадан кейин сув билан ювиб ташланади.

Тетиклантирувчи ялпизли ниқоб. Ялпизли ниқоб учун икки ош қошиқ янги узилган ёки қуритилган ялпиз барглари олиниб, майдаланади ва устидан бир стакан иссиқ сув қуйилади. Ялпиз бироз қайнаши керак, кейин у докдан сузиб олинади ва бироз совутилади. Ялпиз барглари дан иборат илиқ бўтқа юзга сурилади. Битта процедура-нинг давомийлиги 15 дақиқани ташкил этади. Ниқобни олиб ташлаш учун момиқли тампон керак бўлади.

Намлантирувчи помидорли ниқоб. Ушбу оддий ниқобни тайёрлаш учун бор-йўғи бир неча дақиқа талаб этилади. Помидор қирғичдан ўтказилади. Унга бироз крахмал қўшилади. Ҳосил бўлган аралашма бир хил консистенцияда бўлиши керак. Унга бироз зайтун мойи қўшилади, агар у йўқ бўлса, оддий ўсимлик ёғи ҳам бўлаверади.

Ниқоб яхшилаб аралаштирилади ва юзга сурилади, 20 дақиқадан сўнг ювиб ташланади.

Творогли ниқоб. Ушбу ниқоб нафақат терини озиклантиради, балки намлантирувчи ва оқартирувчи эффектни ҳам беради.



Уни тайёрлаш учун зайтун мойи, творог, сабзи суви ва сут керак бўлади. Барча масалликлар тенг миқдорда олинади. Ниқоб бир хил консистенцияга эга бўлиши керак. Тайёр ниқоб юзга сурилади ва 20 дақиқадан кейин сув билан ювиб ташланади. Ниқобдан сўнг бўйин ва юз териси муз билан артилади.

Узум ва асалли ниқоб. Бир хил миқдорда суюқ асал ва узум суви олинади ва яхшилаб аралаштирилади. Қоғоз сочиқ олиниб, унда кўз ва оғиз учун тешиклар қирқилади. Ҳосил бўлган ниқоб аралашмага ботирилади ва юзга қўйилади. Ўн беш дақиқадан кейин ниқобни олиб ташлаш ва юзни сув билан ювиш мумкин.

Юқоридаги тавсиялар сизга маъқул бўлади, деб ўйлаймиз. Муҳими, бироз вақт ва ҳафсалангизни аямасангиз бўлди. Ажинлар билан узок йилларга хайрлашасиз.

Нигина ФУЛОМОВА
тайёрлади



қарз қоғозиде ёзилган пулни тўлайди, ёки ҳуқуқий йўлдан жангга киришади. Суд намуна бўлиши учун “мажбурият зўрлаб имзолатилган” дея қарор чиқаради!

Хўжайин мажбурият қоғозини кўрсатиб ҳам ўтирмасдан, мафияни ишга солиши мумкин. Бу ҳолда мамлакатнинг сири очилмаган жиноятлари яна биттага кўпайган бўлади.

Бир томондан, бандаргоҳда турган жойида тўхтовсиз сакраб, оёқ-қўл ҳаракатлари билан аёлни қайтишга ундаётган давангирни, бошқа томондан, унга қиё ҳам боқмай, денгиз ўртасига қулочкашлаб сузиб кетаётган аёлни кузатаркан, сценарийлар миямда гужғон ўйнар эди. Фақат юқорида айтганларим эмас, шубҳасиз, бошқа вариантлари ҳам калламга келиши мумкин эди. Лекин ўтган вақт фақат шуларни яратишга етди, холос. Чунки аёл орқага қайтиб, бандаргоҳ томонга яқинлаша бошлаган эди.

Аёл қирғоққа чиқиб, бандаргоҳ эмас, қумлоқ томонга йўналди. Ёнимдан ўтаркан, менга боқди. Юз ифодасидан маъно чиқаришга уриндим. Тўғриси айтганда, ҳеч қандай маъно чиқара олмадим. Бахтлимиди, бахтсизми? Аччиқланганмиди, осойиштамиди? Орқага ўз ихтиёри билан қайтганмиди, гайриихтиёрий? Бу давангирдан қўрқармиди, қўрқмасмиди? Ёхуд уни назар-писанд қилмасмиди?

Ҳатто, ҳатто...Янги бир эҳтимол калламга урилди! Бу барзанги ҳариф билан бу гўзал аёлнинг муносабатларини тўғри тахмин қилганмидим? Ёки ораларида тамоман бошқача бир муносабат бормиди?

Мен шулар ҳақида ўйларканман, чойшаб кўтарган йигит бир неча пиллапоядан пастга сакраб, аёлнинг ёнига шошди.

Чойшабни аёлнинг баданига ўраркан, у яна тўхтамай сўзланарди! Аёл бўлса, унинг сўзларига парво этмаётгандай кўринарди.

Эркак аёлнинг чўмилиш кийимларини чиқариб, кийиб олиши учун парда қилди. Гўё парда!

Бу одамлар аслида ким эди? Ўзаро муносабатлари мен ўйлаган ва тўқиган сценарийларга мосмиди? Ёки муносабатлари ўзгачамиди? Эр-хотин бўлишлари мумкинмиди?

Йигит бирон хасталиги сабабли чўмила олмаган ва аёл узоққа сузиб кетганидан хавотирланиб, қайғурган бўлиши мумкинмиди?

Агар шундай бўлса, бу ўзаро ишқ-муҳаббат эмасмикан? Ёхуд аёл йигитни назарга илмай, фақат фойдаланиб юрганмикан, йигит бўлса, аёлга ошику беқарор бўлганмикан, ўртада бир томонлама севги ёки дарз кетган муносабатлар мавжудмиди?

Бошқа эҳтимоллар...

“Эҳ, - дедим охири ўз-ўзимга, - барчанинг дарди сенга тушдими? Бу ёғи бир аёл ва бир эркак. Бир аёл ва бир эркак ҳақида гап кетаркан, бу ҳолларда ҳукм сурадиган табиий қоидалар бор. Бир аёл билан бир эркак ҳақида ёзилган ва ёзилмаган қанчалик сценарий бўлса ҳаммаси буларга ҳам тааллуқлидир!”

Ўзимни яна осойишта денгизнинг инсонга хузур бағишлайдиган сувига отдим. Калламни қотирмаслик тўғрисида ўз-ўзимга сўз бердим, лекин машинамга ўтириб, уйга йўл оларкан, калламда сценарийлар яна гужғон ўйнай бошлади!..

Туркчадан
Бобоҳон МУҲАММАД ШАРИФ
таржимаси



Менинг ягона қувончим,
ягона орзум ижод этишдир

(Охири. Боши ўтган сонда)

Моцарт Париждан жўнаб кетиш олдида моддий аҳволини яхшилаб олиш учун Франциянинг Страсбург шаҳрида икки бор концерт уюштиради. Бироқ концертга камчилик йиғилгани боис, кўзланган мақсадга тўла эришилмайди. Шундан сўнг аввал Мангейм, сўнгра Мюнхен шаҳрига йўл олади. Бу ерга келишининг асосий сабаби, илгари танишиб қалбига севги алангасини ёққан санъаткор Алоизия билан қайта кўришиш эди. Бироқ атрофиде бадавлат ва атоқли мухлислари парвона ҳамда истъдоди истиқболдан дарак бериб турган ушбу гўзал ва ёш ашулчи қизни ўрта бўйли, рангпар юзли, замонасининг одатига кўра тим қизил рангли мотам либосини кийган бу камтар йигит энди сира қизиқтирмасди. Алоизиянинг бундай совуқ муносабатидан хафа бўлган Моцарт ундан кўнгил узганини маълум қилиш учун фортепьянода “Мени хоҳламаган қиздан кечдим” ариясини айтиб, ўша куниёқ Мюнхенни тарк этади.

Моцартнинг бу саёҳати мувофақиятсизликлар, қайғу-аламлар, кўнгилсизликлар билан ўтади, десак, хато бўлмайди. Бироқ ушбу саёҳат ёш композиторнинг нафақат ижодий ўсишига, балки ҳаётни янада теранроқ англашига кўмак беради. Мангейм санъаткорларининг юксак оркестр - чолғучилик маҳорати ва Глюкнинг драматизм билан йўғрилган опера санъати Моцартга самарали таъсир кўрсатади ҳамда уни оркестр ва опера партитуралари устида янада зўр бериб кўнгил билан ишлашга илҳомландиради. Гарчи севгиси рад этилган бўлса-да, илк ишқ-муҳаббат туйғулари унинг мусиқасини янги ва ёрқин бўёқлар билан бойитади.

Моцарт, ниҳоят, 1779 йилнинг январ ойида отасининг қаттиқ талабига кўра, онасиз етим қолган оила кучоғига қайтади.

Моцарт Зальцбургга қайтиб келгач, юрагини ҳовучлаб архиепископ ҳузурдаги хизматини бажаришга киришади. Бироқ икки орадаги муносабат тобора ёмонлашиб бораверади: бу “юксак маърифатли” ҳукмдор Моцартдан ўз айтганларига сўзсиз итоат қилишни талаб этар, унинг шахсий ҳаётига аралашар, унга Зальцбургдан бир қадам ҳам нари жилмасликни буюрарди. Чунончи, Моцартнинг таржимаи ҳолини тузувчилар 1779 ва 1780 йилларни унинг “тутқунлик” йиллари деб аташлари бежиз эмас.

Моцарт ҳаёти ва ижодининг энг муҳим ва самарали даври, бу шубҳасиз, умрининг Венада кечган охириги ўн йили ҳисобланади. 1781 йилда Моцарт Зальцбург архиепископи билан муносабатни батамом узиб, Венадан

Моцарт



қўним топади. Бу ерда у аввалги йиллардаги сингари тинимсиз ижод билан шуғулланади. 1781 йилнинг охирида Австрия саройининг ўз даврида машҳур бўлган пианиночи, педагог ва композитори Муцио Клементи билан Моцарт ўртасида пианиночилик мусобақаси ўтказилади. Мусобақада 3 та пардаси синган асбобда чалишига қарамай, Моцарт ғалаба қозонади.

Венада Моцартнинг шахсий ҳаётида ўзгариш рўй беради: Алоизианинг синглиси, 18 ёшли Констанцияга уйланади. Бу оила ҳаёти кўп қувонч, бахт-саодат билан бирга қатор ташвишли онларга бой бўлади. Бу ташвишлар Моцартни эрта тонгдан кечгача ишлашга мажбур қилади.

Вена мусиқа мактабининг ёрқин юлдузларидан Иосиф Гайдннинг квартетлари ва симфонияларига Моцарт юқори баҳо беради. Гайдн ҳам ўз навбатида Моцартни композиторларнинг энг улуғи деб ҳисоблаган.

1787 йил июн ойининг бошида Моцарт Зальцбургдан хат олади. Унда отаси вафот этганлиги маълум қилинади. Худди шу йилнинг кузида Венада машҳур композитор Глюк оламдан ўтади. Унинг ўрнига Моцарт сарой композитори этиб тайинланади. Бироқ унга Глюк олган маошдан қарийб уч баравар кам маош белгиланади. Дарҳақиқат, хизмат вазифасига кўра ундан Глюкчалик кўп иш талаб қилинмасди. Балки фақатгина саройда бўладиган сайиллар, базмлар ва маскаралар учун кўнгил очар ва рақсга тушадиган мусиқа ёзиши керак эди, холос. Чунончи, маош олган кўнларининг бирида тилхатга қўл қўяркан, киноя аралаш шундай сўзларни ёзади: "Қила оладиган ишимга нисбатан беҳад оз, қилган ишимга нисбатан беҳад кўп".

Моцарт муҳтожликдан қутулиш учун 1789 йил баҳорида концерт саёҳатига чиқади. Прага, Дрезден, Лейпциг, Берлин шаҳарларида бўлиб, пианиночи, органчи ва дирежёр сифатида концертлар беради. Постдамдаги Пруссия императори саройида бўлган мувафакқиятли концертдан сўнг, Моцарт шу ерда доимий хизматга қолиш ҳақида императордан таклифнома олади; унга катта маош ваъда қилинади. Лекин Моцарт Австрия саройига нисбатан "Бевафолик қилиш ноўрин бўлади" деб, Венага қайтади.

Моцарт худди шу йили ўзининг, қолаверса, жаҳон опера репертуарининг энг нодир асарларидан бири "Дон Жуан" операсини яратади. Дон Жуан ишқ-муҳаббат йўлида ҳар хил машаққатларни ўз бошидан кечирган ўрта аср испан афсоналарининг қаҳрамони ҳисобланади.

"Дон Жуан" операсини Моцарт ғоят зўр куч сарфлаб, ижод оловида товланиб, ўзининг даҳолик кучига тўла ишонган ҳолда яратди. Бу операни П.И.Чайковский "бошқа ҳамма асарлар орасида биринчиси" деб атаса, Н.Р.Римский - Корсаков "Гениал асар ва ҳамма операларнинг онаси"дир, дея таърифлайди.

1791 йил Моцарт ижодий маҳоратининг гуллаган даври эди. Саломатлиги анчагина заифлашиб қолганлигига қарамай, тинимсиз ишлаб, 30 га яқин асар яратди. Улар орасида анча салмоқли ҳисобланганларидан бири "Сеҳрли

най" композиторнинг сўнгги операсидир. Бетховен "Сеҳрли най"ни Моцартнинг энг яхши операси деб ҳисобларди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Моцарт жисмоний жиҳатдан бақувват эмас эди. Болаликдаги чалинган касаллик асорати ҳамда тинимсиз зўр бериб ижодий иш билан шуғулланиш, ҳаётининг тўлиқ таъминланмаганлиги, эртанги кунга таҳлика-ташвишлар билан қараш, ҳаётдаги икирчикирлар, буларнинг барчаси унинг соғлиғига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Хуллас, 1791 йил 5 декабрда Моцарт оламдан ўтганида унинг ёши ҳали 36 га ҳам тўлмаган эди. Унинг жасади 6 декабр куни оддий қарағай тобутга солиниб, авлиё Стефан черковига кўчирилади. Жанозаси апил-тапил ўқилиб, авлиё Марк монастридаги камбағаллар қабристонига олиб борилади. Композиторнинг хотини касаллиги туфайли дафн маросимида қатнаша олмайди. Дафн маросимига йиғилган кичик бир тўда веналиклар дўл қор аралаш ёғиб турганлиги сабабли тезда тарқалиб кетишади. Моцартнинг жасади қўйилган тобут тун бўйи қабристоннинг ўликхонасида қолади. 7 декабр куни эрталаб "учинчи даражали" умумий қабристонга дафн этилади. Дафн қилиш пайтида қариндош ва яқин танишларидан бирор киши ҳам йўқ эди.

Унинг таржимаи ҳолини ёзиб қолдирганлардан Ю.Кремлев "Австрия ўзининг энг яхши фарзандларидан бирини шу тахлитда дафн қилди" деб қайд этади.

Шермурод СУБҲОН
тайёрлади



АМАЗОНИЯ



Амазон дунё дарёлари ичида ўз ҳажми, узунлиги, беҳисоб сув манбаига эга дарёдир. Жанубий Америкада жойлашган бу сув ҳавзаси Мараньон (6437 км.) ва Укаяли (7000 км.) дарёлари қўшилиши натижасида вужудга келган. Бразилия сарҳадларида тошқинлар сабабли тез-тез ўзанини ўзгартирувчи бу бебош дарё Боливия, Перу, Эквадор ва Колумбия сарҳадларига ҳам ўз номини ёздириб қўйган.

Амазон дарёси Атлантика океанига қуйила туриб, дунёдаги энг катта дельтага ҳосил қилади. Шунингдек, ер юзидаги энг катта дарё ороли – Маражо оролини ўз кучоғида тутиб туради. Амазонка дарёсига Журуа, Пурус, Мадейра, Тапажос, Шингу, Токантинс, Иса, Жапура, Риу-Негру



сингари сон-саноксиз ирмоқлар қуйилади. Уларнинг кўпчилиги ҳатто 1005 км. узунликни ташкил қилади.

1539 йил июлида Колумбия сарҳадларидаги кузатувда Амазония қирғоқларида яшовчи айрим қабилалар тўғрисида қизиқарли маълумотлар учрайди. Колумбиядаги ушбу кузатув жараёнида иштирок этган қироллик мансабдорларидан Сан Мартин ва Антонио де Лебрихалар ўз ҳисоботларида шундай ёзади: "Бизнинг лагеримиз Вагота водийсида жойлашганди. Ўша пайтлари биз қизиқ бир маълумотга эга бўлдик. Яъни фақат аёллардан иборат бир қабила бўлиб, унда аёллар эркеклар иштирокисиз фақат ўз билганларича яшашар экан. Биз уларни амазонкалар деб атаётган эдик. Бу аёллар авлод давомчиларини дунёга келтириш учун вақтинча сотиб олинган эркек қуллардан фойдаланишар экан. Эркек қулларни яна орқага қайтариб юборишар, вужудга келган фарзанд ўғил бўлгудай бўлса, бу фарзандни ҳам отаси яшаётган томонга юборишар экан. Қабилада фақат қиз бола олиб қолиниб, шу билан аҳоли сони кўпайиб борар экан..."

Амазония қанчалик чуқур ўрганилса, у ўзининг бой табиати ва ҳайвонот олами билан шунчалик лол қолдиришда давом этаверади. Бу бепоён кенгликда миллиондан ортиқ ўсимлик турлари ва ёввойи ҳайвонлар мавжуд. Ушбу ҳудудни муҳолафасиз она еримизнинг Генетик жамғармаси деб аташимиз мумкин.

Олимларнинг тасдиқлашича, тропик ўрмоннинг ҳар 10 км² қисмида бир ярим минг хил гул турлари, 750 хил дарахт, 400 хил қушлар ва сон-саноксиз ҳашорот турини учратиш мумкин экан. Ҳали фанга номаълумларини гапирмасак ҳам бўлади. "Амазон ҳавзаси бўйлаб дунёдаги энг йирик тропик ўрмон ястаниб ётади", деб ёзади 1799-1804 йилларда Жанубий Америка сафарида бўлган Александр Фон Гумбольдт. Йил бўйи яшил тусга бурканган бу ўрмон ҳар доим иссиқ ва юқори намгарчиликка эга бўлиб, ҳарорат 25-28 даражада иссиқ. Ҳатто кечаси ҳам +20дан паст бўлмайди. Айниқса, ўсимликлар дунёсида ҳақиқий мўъжиза бўлган (Victoria regia) нилуфаргул ҳатто, инсон танаси оғирлигини ҳам кўтара оларкан. 1933 йиллари Амазониянинг Белена ҳудудларида саёҳатда бўлган Николай Вавилов ўз қайдномаларида "Айниқса, дарё қирғоқлари бўйлаб ёйилиб кетган палмалар ўзининг хилма-хиллиги,

гўзаллиги билан кўзни қувонтиради. Бу ерда қарийб 800 га яқин палма турларини учратиш мумкин. Бир бутун қилиб айтганда, бу ерни палмалар қироллиги дейиш мумкин. Дунёнинг ҳеч қаерида бу қадар хилма-хиллик ва ўзгарувчан кўришни учрата олмайсиз" деб ёзиб қўйган.

Дарё ёқаларида кемирувчилар турига кирувчи оғирлиги 50 кг. атрофида бўлган капибарлар тез-тез учраб туради. Чакалзорда энг хавфли бўлган йиртқичлардан ягуарни учратиш мумкин. Уларнинг сувга шўнгиши ва сузиши ёки дарахтларга чи-



қишда усталиги чакалакзорнинг аёвсиз қонун-қоидалари остида яшаб кета олишини таъминлайди. Амазон дарёси ва унинг жилгаларида икки мингдан ортиқ балиқ турлари яшайди. Шунинг айтиш лозимки, бизга яхши таниш бўлган, аквариумларни ўз гўзаллиги билан безаб турган кўпгина балиқлар — гуппи, меченосец, скаляра ва броняклар ана шу дарё вакиллари.

Амазон дарёсининг энг машҳур балиқларидан бири, албатта, пираниялардир. Ушбу унча катта бўлмаган, узунлиги 13 см. дан 40 см. гача бўлган балиқлар тўдаси ўз иштакҳаси билан машҳур. Пираниялар ўткир тишларга эга бўлган йиртқич балиқлар ҳисобланади. Асосан тўда-тўда бўлиб ҳаёт кечиришади. Уларнинг назарига тушиб қолган ҳар қандай жонзот, айниқса, яраланган ёки озгина эти тирналган ҳолда сувга тушадиган бўлса, унинг имкониятлари йўқ ҳисоб. Бу ваҳший балиқлар тўдаси уни бирпасда нимталаб, қуруқ суягини қолдиришади, холос.

Хуллас, ўсимлик ва ҳайвонот оламига бой Амазония дарёлари ва чакалакзорлари тўлалигича ўрганиб чиқилмаган. Инсоният жонли табиатнинг улкан бўлагини ўрганишни асрлар мобайнида давом эттириб келмоқда.

Комил ЖОНТОВ
тайёрлади



Жанубий Америка, аниқроғи, Амазония ҳақида гап кетаётган экан, албатта, сайёрамиздаги энг йирик илонлар сирасига кирувчи бўёма илонлардан - анакондалар ҳақидаги маълумотларга тўхталамиз.

Анаконда қадимий грекча сўз бўлиб, "устомон сузувчи" маъносини беради. Анакондалар бўёма илонлар оиласига мансуб бўлиб, уларнинг тўрт тури аниқланган. Асосан Жанубий Американинг дарё, кўл ва ботқоқзорларида яшашади. Улар заҳарли илонлар турига кирмайди. Озуқаси асосан умуртқали ҳайвонлар бўлиб, гоҳида уй ҳайвонларига ҳамла қилиши кузатилган.

- Энг йирик анаконда айниктис-мирунтис узунлиги 11 метргача, оғирлиги 500 кг.гача бўлиб, анакондалар гиганти ҳисобланади. Бу илон ҳатто буқаларни ҳам қийинчиликсиз енга олади.


- Парагвай анакондаси (*Eupectes - notaeus*) узунлиги 3 метрдан ошмайди. Асосан сувда тимсоҳларнинг кайман тури, сувда сузувчи қушлар ва бошқа йирик бўлмаган балиқ ва сув ҳайвонлари билан озиқланади.

- Дешаунсей анакондаси Бразилиянинг шимоли-ғарбида учрайди.

- 2002 йили Лутц Дирксен томонидан анаконданинг яна бир тури - биненинсис аниқланган ва ҳозирда ушбу тур ўрганилмоқда.

АНАКОНДАЛАР





Ўтган сондаги сканвордлар жавоблари

"МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНО-МАСИ" КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Ўйлар бўйича ўннга: О'. 1991. Ъ. 1992. В. 1993. Е. 1994. К. 1901. I. 2000. 8. 2002. Т. 2003. О. 1918. N. 2011.

Ўйлар бўйича чапга: О'. 1915. Ъ. 1995. В. 1996. Е. 1997. К. 1998. I. 2005. 8. 2007. Т. 2008. О. 1909. N. 2010.

МУАММОНОМА

Калит сўзлар: 1. Президент. 2."Дўстлик". 3.Наврўз. 4."Ласетти". 5.Муборак.

Шакл атрофида: Ўзбекистон суверен демократик Республика.

"ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" АЙ-ЛАНМА КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофи-га: 1. Регистон. 2. "Гулузорим". 3. "Тановар". 4. Карнай. 5. Кавкабий. 6. Дамбур. 7. "Дилхирож". 8. Мезроб. 9. "Мавриги". 10. Қочирим. 11. "Шашмақом". 12. Дўмбира. 13. Ражабий. 14. Қайроқ. 15. "Оромижон". 16. "Мискин". 17. Бастакор. 18. Су-вора. 19. "Муножот". 20. Икромов.


"МАЪНАВИЯТ ЮЛДУЗЛАРИ" АЙЛАНМА КРОССВОРДИ САВОЛЛАРИ

Шаклда белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофи-га: 1. Буюк қомусий аллома, фан тарихидаги дастлабки академия – "Байт-ул-ҳикмат" ("Донишмандлик уйи")нинг илмий раҳбари бўлган ватандошимиз. 2. Озар-

байжон мумтоз шоири, олим. 3. "Ал-муаллим ас-соний" ("Иккинчи муаллим"), "Шарқ Арастузи" номларига сазовор бўлган қомусий аллома. 4. "Мерос дедим боболардин" маснавийси муаллифи, XIX аср ўзбек мумтоз шоираси. 5. "Ҳибат-ул-ҳақойиқ" дostonини ёзиб қолдирган ўрта аср донишманд шоири. 6. Замонасининг

таниқли шоири ва хатготи, "Раъно ва Зебо" дostonи муаллифи. 7. Ҳозирга қадар сақланиб қолган Нил дарёси сув сатҳини ўлчаш иншооти муаллифи, "Ҳисоб" деган тахаллус билан шуҳрат қозонган қомусий аллома ватандошимиз. 8. Адиб ва олим, "Абулфайзхон" тарихий драмаси муаллифи. 9. Форс-тожик адабий тили ва адабий ижодининг асосчиси, жаҳонга танилган мутафаккир шоир. 10. Туркман

"МАЪНАВИЯТ ЮЛДУЗЛАРИ" АЙЛАНМА КРОССВОРДИ



мумтоз шоири. 11. XIV аср охири – XV аср бошларида яшаб ижод этган озарбайжон шоири. 12. Ма- шхур "Гулистон", "Бўстон" асар- ларини ёзиб қолдирган мутафак- кир шоир. 13. "Падаркуш" асари муаллифи, жадидчилик ҳарака- ти намояндаси. 14. Низомий Ган- жавий қаламига мансуб "Хусрав ва Ширин" достонининг эркин таржимаси муаллифи, XIV асрга

мансуб ўзбек шоири. 15. Фазал- навис шоира Нодирага устоз- лик қилган мумтоз ижодкор. 16. Ўрта Осиёлик фалакиёт ва риё- зиёт алломаси. 17. Форс ва ўзбек тилларида бешта дoston ёзиб қолдирган хивалик шоир ва тар- жимон. 18. Қозоқ ёзма адабиёти- нинг асосчиси, маърифатпарвар шоир. 19. "Девону луғот ут-турк" нодир асарини ёзиб қолдирган

ўрта аср тилшунос олими. 20. Қорақалпоқ адабиёти асосчиси, XIX аср маърифатпарвар шоири. 21. Устоз адиб, ўзбек романчи- лиги асосчиси. 22. XIII асрга ман- суб Ўрта Осиёлик буюк шоир, олим. 23. Ўзбек маърифатпарвар шоири. 24. Қўқонлик маърифат- парвар шоир, "Ҳажнома" асари муаллифи.

Бозор. Тиккилмишда бир киши чўнтагини ковлаётган ёш болани тўтиб олиб сўради:

- Бировнинг чўнтагини кавлашга қялмайсанми?

- Ўзингиз кап-кайти киши бўла тўриб, нулсиз юришга қялмайсизми?

Бир rassom ўртоғига: "Мен ўз расмларимни бир кун давомида чизсам бир йил давомида сотаман", деб шикоят қилиб қолди. Унга жавобан ўртоғи "Сен расмларингни бир йил давомида чизсанг, бир кун ичида сотган бўлар эдинг", дея жавоб берди.

- Азизим, хайдовчимизни бўшатиб юборайлик. Кеча у мени яна ўлдириб кўйишига сал қолди.

- У яхши бола. Кел, унга яна бир илкон берайлик.

Сўдда ажрашмиш бўйича иш кўрилмоқда. Ажралувчи эр-хотинлар ўртасида уч нафар фарзанд бор. Эр ҳам, хотин ҳам фарзандларидан иккитасини олишни хоҳлаб жанжал чиқди. Жанжалдан безор бўлган сўдья тезроқ келишимларини талаб қилди. Бунга жавобан хотини шундай деди:

- Келинг, яхшиси, янаги йили болаларимиз тўртта бўлганда ажрашамиз!

Врач-психиатр қабулига келган бемордан:

- Касаллигингиз сабабини билиш ва даволаш учун сизнинг кимлигингиз, нима ишлар билан шўғуланишингиз ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишим лозим, шўнинг учун ўзингиз ҳақда батафсил гапириб берсангиз, - деб сўради. Бемор ўйлаб ўтирмасдан жавоб беришга киришди:


- Демак бундоқ, аввал мен Ер ва Осмонни яратдим.....



- Бечора, нима жин уриб электр тиши тозалагични ютиб юбординг?!



- Мана, ўғлим, тўртинчи синфга ўтдинг, энди уй вазифаларингга отангинг ҳам тиши ўтмайди.



- Тўрва халталаринг нимаси? Биз бор-ўйғу хайвонот боғига бормоқчимиз-ку!



- Пистани кўп еганини ҳисобга олмасак, унга бало ҳам урмайди.

КАМОЛИДДИН тайёрлади